

**Ғузор туманидаги "АЛПОМИШ" МЧЖ  
аъзолари барча юрtdошларимизни  
НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН  
МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

**Жамият раҳбари Нуриддин КАРИМОВ**



**Ғузор туман тиббиёт бирлашмасига  
қарашли ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ  
БЎЛИМИ жамоаси халқимизни  
қадриятлар байрами-  
НАВРЎЗ билан қутлайди!**

**Бўлим бошлиғи Муродилла ЖЎРАЕВ**

**АТ "ХАЛҚ БАНКИ" Ғузор Филиали  
жамоаси Сиз аъизларни НАВРЎЗИ  
ОЛАМ билан табриклайди!**

**Филиал бошқарувчиси Жаҳонгир  
НАРДАЕВ**



**"АГРОБАНК" АТБ НИШОН ФИЛИАЛИ  
жамоаси юрtdошларимизни  
янгиладаниш ва яшариш байрами  
билан табриклайди.**

**Филиал бошқарувчиси Марс НАЗАРОВ**

**АТ "ХАЛҚ БАНКИ" Касби туман  
филиали жамоаси халқимизни  
янгиладаниш баҳор фасли ва  
НАВРЎЗ билан қутлайди.**

**Филиал бошқарувчиси Акбар ИШБОЕВ**



Aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash orqali daromadi yuqori bo'lmagan hamda uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj bo'lgan oilalar, og'ir ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan xotin-qizlar, mamlakatimiz ijtimoiy hayotida faol ishtirok etayotgan yoshlar va shu toifadagi boshqa aholi qatlamlariga ko'maklashish va uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj oilalarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash maqsadida Vazirlar Mahkamasining 25.03.2020 yildagi "Uy-joy sotib olish yoki yakka tartibdagi uy-joylarni qurish va rekonstruksiya qilish uchun fuqarolarga subsidiya to'lash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida" 182-son qarori qabul qilindi.

Subsidiyalar - daromadi yuqori bo'lmagan shaxslarga ipoteka kreditlari asosida uy-joy sotib olishlari uchun boshlang'ich badal yoki kredit foiz to'lovlarining bir qismini qoplab berish maqsadida davlat byudjetidan to'lanadigan va qaytarib berilmaydigan mablag'lardir. Boshlang'ich badal - bu birlamchi bozordagi (yangiqurilgan) uy-joylarni sotib olish uchun ajratiladigan pullar. Shahar va qishloq joylarda ularning qiymati har xil bo'ladi.

Subsidiya, shuningdek, ipoteka krediti bo'yicha foizlarni qoplash uchun ham berilishi mumkin. Bunda:

- qishloq joylarda - birinchi 5 yil davomida ipoteka krediti bo'yicha foiz

to'lovlari bilan bog'liq xarajatlarni qoplash uchun - 10 foizli kpunktдан oshgan qismiga;

- Shaharlarda (shu jumladan, Toshkent shahrida ham) - dastlab kibadalning birqismini to'lash bilan bog'liq xarajatlarni qoplash uchun uy-joy hisoblangan qiymatining 10 foizi miqdorida;

- Toshkent shahrida birinchi besh yil davomida kredit bo'yicha foizlarni qoplash uchun - 12 foizli kpunktдан oshgan qismiga;

- Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlar shaharlarida 10 foizli kpunktдан oshgan qismiga to'lanadi.

Har bir hududda quriladigan uy-joylar sonidan kelib chiqib, yil davomida ajratiladigan subsidiyalar miqdori haqida Moliya vazirligi, Iqtisodiyot va sanoat vazirligi, Qurilish vazirligi hamda tegishli hokimliklari tomonidan ommaviy axborot vositalarida ma'lumot beriladi.

Subsidiyalar kimga beriladi?

Subsidiyalar faqatgina uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj bo'lgan oilalar, og'ir

ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan xotin-qizlar, mamlakat ijtimoiy hayotida faol ishtirok etayotgan yoshlar va shu toifadagi boshqa O'zbekiston fuqarolariga ajratiladi.

Subsidiya olish uchun fuqaro 18 yoshga to'lgan bo'lishi kerak. Mehnat migrantlarining nomidan oila a'zolari ham ariza berishi mumkin.

Subsidiya va arzon uylar - bir xil tushunchami?

Subsidiyalar uylarni bozor narxida xarid qilishga beriladi. Ya'ni, subsidiya va arzon uy-joylar - bir-biriga umuman aloqasi yo'q boshqa-boshqa tushunchalardir. Arzonuy-joy uchun navbatlar davlat xizmatlari markazlari orqali o'zgartirilmaydi. Ushbu masalada mahalliy hokimiyatlarga murojaat etish lozim.

Subsidiya olishda beriladigan ballar nimaga kerak?

Subsidiya - bu bo'yicha ariza topshirgan har bir talabgorga pul mablag'i beriladi degani emas. Buning uchun bir qator talab va holatlarga javob berish lozim.

Subsidiya berilishi uchun avvalambor mas'ul organlar vakillaridan shakllantirilgan maxsus komissiya ariza beruvchilarga mezonlar bo'yicha ball beradi.

Ariza beruvchi Ipoteka kreditlari bo'yicha Subsidiya olish uchun arizani istalgan tuman (shahar) Davlat xizmatlari markaziga o'zi kelib murojaat etadi yoki Yagona interaktiv davlat xizmatlari (YIDXP) my.gov.uz portal orqali electron

tarzda berish mumkin.

Ariza beruvchilar belgilangan Nizomga muvofiq davlat xizmatidan foydalanish uchun anketa-arizani electron tarzda to'ldiradi va quyidagi hujjatlarni electron tarzda ilova qiladi yoki ma'lumotlarni taqdim etadi:

a) jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami ma'lumotlari;

b) oila a'zolarining (jismoniy shaxsning) shaxsiy identifikatsiya raqami ma'lumotlari va nikoh qayd etilganligi guvohnomasi (to'liq oila va nikoh hamda voyaga yetgan farzandlar mavjud bo'lgan taqdirda) va (yoki) farzandlar tug'ilganligi haqidagi guvohnomalar (vo yayagaytmagan farzandlar bor bo'lgan taqdirda) nusxalari;

v) belgilangan tartibda nikoh bekor qilinganligi haqidagi guvohnoma yoki nikoh haqiqiy emas deb tan olinganligi to'g'risida sud qarori (nikoh qayd etilgan holatda6) yoki oilaviy holati to'g'risida fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlari arxividan ma'lumotnoma nusxasi (nikoh qayd etilmagan holatda);

g) doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olingan joyidan kadastr raqami va turiga tegishli ma'lumotlar (agar turar joyi doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olingan joyi bilan to'g'ri kelsa);

d) doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olingan joyidan uy daftarining yoki kvartiralar bo'yicha kartochkaning (17-shakl) nusxasi (agar turar joyi doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olingan joyi bilan to'g'ri kelsa);

e) ariza beruvchi va birgalikda qarz oluvchilarning daromadi va ushlab qolingan daromad soliqlari to'g'risidagi ma'lumotnoma (qo'shimcha daromadlar bo'lsa soliq deklaratsiyasi).

Davlat xizmatlari markazidan subsidiya berish to'g'risida ijobiy xabarnomani olgan talabgor uy-joyini ipoteka krediti orqali sotib olish bo'yicha qurilish (pudrat) tashkiloti bilan shartnoma tuzadi hamda Ipoteka kreditini belgilangan tartibda rasmiylashtirish uchun talabgor istalgan ishtirok etuvchi tijorat bankiga:

uy-joy sotib olish uchun subsidiya taqdim etish to'g'risidagi xabarnomani va uy-joyini ipoteka shartlari sosida sotib olish bo'yicha qurilish tashkiloti bilan tuzilgan shartnomani hamda fuqaro o'ziga tegishli bo'lgan badal mablag'larini bankdagi hisob varag'iga joylashtirganligi to'g'risidam a'lumotnomani;

qurilgan va rekonstruksiya qilingan yakka tartibdagi uy-joyning kadastr hujjatlarini hamda bank tomonidan belgilangan boshqa hujjatlarni taqdim qiladi.

**Sh.MUSTAFOQULOV,**  
**Qarshi tuman Davlat xizmatlari markazi bo'lim boshlig'i**

## 58 YOSH DAN PENSIYA TAYINLANADIGAN BO'LDI

**Qashqadaryo viloyat adliya boshqarmasiga Shahrisabz tumani, "Xojimaydon" MFY, Xojimaydon qishlog'ida yashovchi fuqaro X.Y murojaat qilib, 1963-yil 8-may kuni tug'ilganligini, 2021-yil 23-avgustdan ish o'rni qisqarganligi uchun mehnat shartnomasi bekor qilinganligini hamda shu paytda 58 yoshga to'lganligini, biroq "Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 14-moddasiga asosan muddatidan oldin yoshga doir pensiya tayinlanmayotganligidan noroziligini bildirgan.**

"Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 14-moddasida texnologiyadagi, ishlab chiqarish va mehnatni tashkil etishdagi o'zgarishlar, xodimlar soni (shtati) yoki ish xususiyatining o'zgarishiga olib kelgan ishlar hajmining qisqarganligi yoxud korxonaning tugatilganligi munosabati bilan ishdan ozod etilgan va ishsiz deb e'tirof etilgan shaxslar: erkaklar - 58 yoshga to'lganda va ish staji kamida 25 yil bo'lgan taqdirda;

ayollar - 53 yoshga to'lganda va ish staji kamida 20 yil bo'lgan taqdirda pensiya olish huquqiga ega bo'lishlari belgilangan.

Shuningdek, Alohida asoslarga ko'ra mehnat shartnomasi bekor qilinganda ishdan bo'shatilgan xodimlarga muddatidan oldin pensiya tayinlash tartibi to'g'risidagi yo'riqnomada (ro'yxat raqami 588, 1999-yil 7-yanvar) tuman (shahar) aholi bandligiga ko'maklashish markazi ishsiz deb e'tirof etilgan va muddatidan oldin yoshga doir pensiyaga chiqish huquqiga ega bo'lgan fuqarolarga taqdimnoma tayyorlashi va 5 kun muddat ichida tegishli O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasining tuman (shahar) bo'limiga topshirishi ko'rsatilgan.

Shunga ko'ra, ushbu murojaat adliya boshqarmasining qonuniy aralashuvi bilan ijobiy hal qilinib, fuqaro X.Yga muddatidan oldin yoshga doir pensiya tayinlash uchun Shahrisabz tuman aholi bandligiga ko'maklashish markazi tomonidan joriy yilning 1-mart kuni Budjetdan tashqari pensiya jamg'armasi Shahrisabz tuman bo'limiga taqdimnoma yuborildi.

**Elnur ISMOILOV,**  
**Inson huquqlarini himoya qilish bo'limi boshlig'i**

## SOLIQ IMTIYOZLARI KIMLARGA BERILADI?

**O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 380-moddasida Ayrim toifadagi soliq to'lovchilarning jami daromadini kamaytirish keltirilgan.**

Prezident qaroriga muvofiq, 2022 yil 1 martdan boshlab:

a) Soliq kodeksining 380-moddasi birinchi qismiga muvofiq bolalikdan nogironligi bo'lgan shaxslar hamda I-va II-guruh nogironligi bo'lgan shaxslar uchun daromad solig'i bo'yicha belgilangan imtiyoz mehnatga haq to'lashning eng kam miqdorining 1,41 baravaridan 3 baravarigacha oshiriladi;

b) 2024-yil 1-martga qadar ish beruvchilarga (budjet tashkilotlari, davlat korxonalari, ustav jamg'armasi (kapitali)da davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq bo'lgan yuridik shaxslar bundan mustasno) ular tomonidan nogironligi bo'lgan shaxslar uchun to'langan ijtimoiy soliq summasi Davlat budjetidan to'liq qaytarib beriladi.

Bunda, ijtimoiy soliq summasi nogironligi bo'lgan shaxslarning olti oy davomida uzluksiz mehnat faoliyatini amalga oshirishi sharti bilan yettinchi oydan boshlab qaytariladi.

Xususan 2022- yilning 1- martiga qadar quyidagi soliq to'lovchilar qisman (daromadlar qaysi oyda olingan bo'lsa, o'sha oyda har bir oy uchun mehnatga haq to'lashning eng kam miqdorining 1,41 baravari miqdoridagi daromadlar bo'yicha) soliq solishdan ozod etiladi:

1) "O'zbekiston Qahramoni", Sovet Ittifoqi Qahramoni, Mehnat Qahramoni unvonlariga sazovor bo'lgan shaxslar, uchala darajadagi Shuhrat ordeni bilan taqdirlangan shaxslar. Bu imtiyoz

tegishincha "O'zbekiston Qahramoni" unvoni berilganligi to'g'risidagi guvohnoma, Sovet Ittifoqi Qahramoni, Mehnat Qahramoni daftarchalari, orden daftarchasi yoki mudofaa ishlari bo'yicha bo'limning ma'lumotnomasi asosida beriladi;

2) urush nogironlari va ishtirokchilari, shuningdek ularga tenglashtirilgan va doirasi qonunchilikda belgilanadigan shaxslar. Bu imtiyoz urush nogironining (ishtirokchisining) tegishli guvohnomasi yoki mudofaa ishlari bo'yicha bo'limning yoxud boshqa vakolatli organning ma'lumotnomasi asosida, boshqa nogironlarga (ishtirokchilarga) nogironning (ishtirokchining) imtiyozlarga bo'lgan huquqi to'g'risidagi guvohnoma asosida beriladi;

3) bolalikdan nogironligi bo'lgan shaxslar, shuningdek I- va II-guruh nogironligi bo'lgan shaxslar. Bu imtiyoz pensiya guvohnomasi yoki tibbiy-mehnat ekspert komissiyasining ma'lumotnomasi asosida beriladi;

4) sobiq SSSRni, O'zbekiston Respublikasining konstitutsiyaviy tuzumini himoya qilish yoxud harbiy xizmatning yoki ichki ishlar organlaridagi va O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasidagi xizmatning boshqa majburiyatlarini bajarish chog'ida yaralanganligi, kontuziya yoki mayib bo'lganligi oqibatida yoxud frontda bo'lish bilan bog'liq kasallik tufayli halok bo'lgan harbiy xizmatchilarning hamda ichki ishlar organlari, O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi xodimlarining ota-onalari va beva xotinlari (beva erlari). Bu imtiyoz "Halok bo'lgan askarning beva xotini (beva eri, onasi,

otasi)" yoki "Ichki ishlar organlari halok bo'lgan xodimining beva xotini (beva eri, onasi, otasi)", "O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi halok bo'lgan xodimining beva xotini (beva eri, onasi, otasi)" shtampi qo'yilgan yoxud pensiya guvohnomasini bergan muassasa rahbarining imzosi va ushbu muassasa muhri bilan tasdiqlangan tegishli yozuvli pensiya guvohnomasi asosida beriladi. Agar mazkur shaxslar pensioner bo'lmasa, imtiyoz ularga sobiq SSSR Mudofaa vazirligi, Davlat xavfsizlik qo'mitasi yoki Ichki ishlar vazirligining, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Milliy gvardiyasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat xavfsizlik xizmati, O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasining tegishli organlari va boshqa harbiy xizmat nazarda tutilgan idoralar tomonidan berilgan harbiy xizmatchining yoki ichki ishlar organlari va O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi xodimining halok bo'lganligi to'g'risidagi ma'lumotnoma asosida beriladi. Sobiq SSSRni, O'zbekiston Respublikasining konstitutsiyaviy tuzumini himoya qilish yoxud harbiy xizmatning yoki ichki ishlar organlaridagi va O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasidagi xizmatning boshqa majburiyatlarini bajarish chog'ida yoxud frontda bo'lish bilan bog'liq kasallik tufayli halok bo'lgan harbiy xizmatchilarning yoki ichki ishlar organlari va O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi xodimlarining beva xotinlariga (beva erlariga) imtiyoz faqat ular yangi

nikohdan o'tmagan taqdirda beriladi;

5) ikki va undan ortiq o'n olti yoshga to'lmagan bolalari bor yolg'iz onalar. Bu imtiyoz har bir bola uchun fuqarolik holati dalolatnomalarini yozish organlari tomonidan taqdim etiladigan ma'lumotnoma asosida beriladi;

6) ikki va undan ortiq o'n olti yoshga to'lmagan bolalari bor hamda boquvchisini yo'qotganlik uchun pensiya olmaydigan beva ayol va beva erkaklar. Bu imtiyoz urning (xotinning) vafot etganligi to'g'risidagi guvohnoma, bolalar tug'ilganligi to'g'risidagi guvohnomalar, yangi nikohdan o'tmaganlik hamda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi tuman (shahar) bo'limining boquvchisini yo'qotganlik uchun pensiya olinmasligi haqidagi ma'lumotnomasi taqdim etilgan taqdirda beriladi;

7) bolaligidan nogironligi bo'lgan shaxs, doimiy parvarishni talab etadigan farzandi bilan birga yashab, uni tarbiyalayotgan ota yoki ona. Bu imtiyoz pensiya guvohnomasi yoki sog'liqni saqlash muassasasining doimiy parvarish zarurligini tasdiqlovchi tibbiy ma'lumotnomasi asosida beriladi.

Ushbu moddada nazarda tutilgan soliq imtiyozlari tegishli hujjatlar taqdim etilgan taqdirda qo'llaniladi.

Soliq imtiyoziga bo'lgan huquq kalendari yil davomida vujudga kelgan taqdirda, soliq imtiyozini unga bo'lgan huquqlar vujudga kelgan paytdan e'tiboran qo'llaniladi

**Sh.BOZOROV,**  
**G'uzor tuman adliya bo'limi yetakchi maslahatchisi**

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

2022 йил 9 февралдаги ЎРК-752-сонли Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

1. Ногиронлик пенсиялари қонунчиликда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга, шунингдек Чернобиль АЭСдаги авария тufайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга тайинланади.

2. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ўқиса-ўқимаса 18 ёшга тўлгунча тўланади.

Таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари ўқишининг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунча қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга.

3. I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) ўзгаларнинг парварishiга муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади.

4. Пенсияни ҳисоблашда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган болага қараган давр 3 йилдан 6 йилга ўзгартирилди.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касаллик-

лар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чоралар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин пенсия тайинлаши сўраб бир ой ичида муружаат қилган бўлса, уларга пенсия уни олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан тайинланади.

Қарор билан "Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақасини олувчи oilalarнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар"га, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 392-Ф сонли фармойишида "Боқувчисини йўқотганлик пенсия ёки боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчи 18 ёшгача бўлган ўқувчиларга моддий ёрдам берилиши кўзда тутилди.

Юқоридагиларга асосан, Пенсия жамғармаси Шахрисабз шаҳар бўлими орқали пенсия ва нафақа олувчи "Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақасини олувчи oilalarнинг 18 ёшга тўлмаган болаларига ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар"га, бир маротабалик моддий ёрдам олувчиларни тўлов қайдномаси шакллантирилиб, пенсия ва нафақа тарқатиш учун масъул бўлган ташкилотларга юборилди.

**Жамшид ЗИЁЕВ,**  
**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Шахрисабз шаҳар бўлими бошлиғи**

## ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ-МУҲИМ ВАЗИФА

Нишон туманида Фавқулodда вазиятларни олдини олиш мақсадида турли профилактик тадбирлар режа-жадвал асосида олиб борилмокда.

Яқинда Нишон тумани ҳокими- туман фуқаро муҳофазаси бошлигининг механизациялашган йиғма командаси йиғилиб, Фавқулodда вазиятларда шайлиги ўрганилди. Унда туман ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулodда вазиятлар, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишда тезкор ҳаракатланиш, техникаларнинг шайлиги, бирламчи ўт учирish воситалардан фойдаланиш, фавқулodда жараёнда зарур техника ва зарур воситалардан фойдаланиш, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш бўйича инспекторларнинг маҳоратли қишларни намойиш этилди.

**А.ХАМРОЕВ,**  
**Нишон тумани ФВБ ва ФМ бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.**

**Б.ФАЙЗИЕВ,**  
**етакчи мутахассис**



## СИСТЕМА МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА ПУТЬ К ПРОГРЕССУ

Наша страна достигла больших успехов в экономических преобразованиях, наращивании экспортного потенциала, укреплении имиджа узбекских товаров на мировых рынках.

Значит пользуются наши товары и продукция спросом на зарубежном рынке, а ведь без их высокого качества и соответствующей сертификации по международным стандартам они бы не были так востребованы.

Процесс все большей интеграции Узбекистана в мировую экономику необходимо усиливать при условии использования международно признаваемых стандартов как на товары, продукцию и услуги, так и на всю систему организации и управления качеством производства.

Потому сегодня существует острая необходимость активизации мероприятий, направленных на решение вопросов управления качеством производства продукции и ее сертификации, развития экспортноориентированных производств, отвечающих требованиям международных стандартов, и их скорейшей адаптации к изменя-

ющейся бизнес-среде.

Выход на внешний рынок как самого товара, так и производства должен подтверждаться наличием сертификата соответствия системы менеджмента качества (СМК) организации требованиям международного стандарта ISO 9001. ISO 9001 - это международный стандарт, обобщающий передовой мировой опыт в области управления производством, содержит требования к организации производства. Когда говорят о стандартах серии ISO 9000:2000, имеют в виду три международных стандарта: ISO 9000:2000, ISO 9001:2000 и ISO 9004:2000. В Узбекистане все они введены в действие как государственные стандарты: O'zDSt/ISO 9000:2002, O'zDSt/ISO 9001:2002 и O'zDSt/ISO 9004:2002. Особенностью их является то, что они предъявляют требования не к качеству продукции напрямую, а к системе организации управления производством, которое призвано обеспечивать предсказуемый и стабильный уровень качества продукции.

Что же дает система менеджмента качества предприятиям? Внедрение стандартов ISO позволяет достигать долговременные цели в бизнесе путем расширения внутреннего рынка и увеличения экспортных возможностей. Поднимается эффективность фирменного менеджмента, усиливается исполнительская дисциплина персонала.

Повышаются конкурентоспособность продукции (услуг), предоставляемой потребителям, деловая репутация фирмы. Минимизируются риски отказа и возврата продукции. Легче получать инвестиции и банковские кредиты. Главное - улучшаются экономические показатели.

Специалисты утверждают, что предприятия не зря тратят время и немалые средства на разработку, внедрение и сертификацию СМК. Помимо увеличения объемов реализации, предприятие существенно снижает свои издержки. Доказано, что за счет перераспределения затрат на предупредительные мероприятия значительно сокращается доля, которая шла на обнаружение и исправление дефектов, внешние и внутренние потери, вызванные дефектами и несоответствиями. В результате общая сумма затрат снижается и появляется дополнительная прибыль.

Создание, внедрение и сертификация системы менеджмента качества по международным стандартам играет большую роль при заключении международных контрактов, она открывает дорогу на участие в тендерах, конкурсах и прочих подобных мероприятиях, которые могут закончиться контрактом и служить рекламой для предприятия. СМК повышает шансы получить крупный государственный заказ, льготные кредиты и виды страхования.

Специалисты агентства "Узстандарт" готовы оказать любую посильную помощь в содействии предприятиям, для которых приоритетом деятельности является эффективное внедрение системы менеджмента качества.

**Марина ХАРИТОНОВА,**  
специалист Кашкадарьинского филиала государственного центра "UzTest"

## МОЯ ПРОФЕССИЯ - ВОСПИТАТЕЛЬ

"Каким быть должен воспитатель? Конечно, добрым должен быть! Любить детей, любить учебу, свою профессию любить! Каким быть должен воспитатель? Конечно, щедрым должен быть! Всего себя без сожаления он должен отдать детям подарить!"

Мир детства - удивительный и волшебный. Когда-то и я была ребёнком, шалила, рисовала, пела, танцевала, мечтала стать учителем или воспитателем. Даже рассказывала кукол и заводила для них журнал с оценками.

И то, что труд воспитателя сложен и труден я постигла позже, но не испугалась!!! Мне нравилось, я жила этим миром и живу до сих пор. Моя сцена для творчества огромна, я могу выступать в разных ролях, каждый день творить и фантазировать с детьми, у меня есть уникальная возможность открыть мир прекрасного для каждого своего воспитанника, подарить им своё зёрнышко жизни в прекрасном, дети сами того не подозревая учат меня понимать их, дают мне силы постигать новое и интересное для них в разных ракурсах и положениях. Только благодаря тесному контакту я могу общаться с детворой на равных, чувствовать их желания, подавать свой материал интересно и познавательно. Только благодаря детям я живу на работе, творю и могу с гордостью сказать: "Я на своём месте! Я воспитатель!"

С давних времен профессия воспитателя является одной из востребованных. Очень много мудрых знаний, опыта, творчества, умений передано современным педагогам. Просто любить детей мало, к ним нужно относиться как к личности, надо много знать и обладать современным искусством воспитания. Л. Н. Толстой писал, что "Воспитание ребенка есть только самосовершенствование". И конечно так. В работе с детьми всё время совершенствуешься. Быть воспитателем в современных условиях сложно и ответственно, так как нуж-



ны не только всесторонние знания, опыт, но и огромное терпение, постоянно находишься в творческом поиске, вносить в работу что-то новое. Дошкольное детство - особый период жизни, который нужно детям прожить радостно, ярко, интересно и содержательно. На воспитателе лежит большая ответственность за то, каким вырастет ребёнок (не будет ли потом больно, сталкиваясь с ошибками в воспитании наших детей, которые были допущены), будет ли малыш личностью, способной к самореализации, к самосовершенствованию, к достойной жизни, вырастит ли добрый, честный, трудолюбивый, любящий своих близких, свою Родину - хороший человек?

Ребёнок уникален по своей ценности, это развивающаяся личность, которая находится в постоянном изменении, где взрослый играет большую роль и несёт огромную ответственность за будущее, является образцом для подражания. Я люблю своих малышей. Дарить любовь детям, воспитывать любовью - одна из главных миссий моей профессии.

Я благодарна судьбе, за возможность находиться рядом с будущим - с нашими детьми. Моя педагогическая философия заключается в понимании того, что ты тот человек, которому доверяют самое ценное, от кого интересного и яркого ждут, от кого зависит, какой станет в будущем маленькая кроха и наше будущее. Отдавать себя детям, понимать их, находить радость в общении с ними, верить в то, что каждый из них - личность индивидуальная, неповторимая - вот основные составляющие, на мой взгляд, настоящего педагога.

Меня ждут дети - и я несу им любовь, радость, учу быть счастливыми!

**Гулмира МАХАТОВА,**  
Студентка педагогического государственного университета, воспитатель государственной дошкольной организации №12 Шахрисабзского района

## АНАЛИЗ СТИХОТВОРЕНИЯ ПУШКИНА "ГОНИМЫ ВЕШНИМИ ЛУЧАМИ..."

Гонимы вешними лучами,  
С окрестных гор уже снега  
Сбежали мутными ручьями  
На потоплённые луга.  
Улыбкой ясною природа  
Сквозь сон встречает утро года;  
Синея блещут небеса.  
Ещё прозрачные, леса  
Как будто пухом зеленеют.  
Пчела за данью полевой  
Летит из кельи восковой.  
Долины сохнут и пестреют;  
Стада шумят, и соловей  
Уж пел в безмолвии ночей.

Законченный характер строфы, открывающей седьмую главу "Евгения Онегина", позволяет рассматривать ее как самостоятельное произведение. Точная дата создания отрывка осталась неизвестной. Ее относят к 1827-28 гг., периоду работы поэта над главой.

Пейзажная зарисовка исполнена динамизма: внимательный повествователь фиксирует этапы весенней трансформации. Фрагмент открывает картина таяния снегов, которые под воздействием солнечного тепла становятся потоками мутной воды. Их быстрое течение передается при помощи глагола "сбежать" и страдательного причастия "гонимы". Указанные лексические средства выполняют еще одну важную роль. Они служат средством, олицетворяющим природные образы ручьев и лучей.

Персонификации подвергается и образ природы, которая наделяется способностью испытывать эмоции. Добрую, спокойную полуночную улыбку вызывают первые перемены весны, метафорически отождествленной с утром. Содержание центральной части строфы включает в себя цветовые доминан-

ты. Блестящий синий оттенок характеризует картину безоблачного неба, а нежный зеленый - молодую лесную листву, которая сравнивается с легким и нежным пухом. Чувствуя набирающее силу тепло, появляются деловитые насекомые. Моделируя структуру образа пчелы, автор обращается к скрытой метафоре. Поэт избегает прямого наименования места, где гнездится пчелиная семья. Улей уподобляется монашеской келье. На значение тропы намекает эпитет "восковая". Нектар и пыльца также получают обобщающую иносказательную характеристику "дани полевой". Картина весеннего половодья, представленная в зачине, противопоставляется изображению полей, расположенному в финальной части. Земля постепенно просыхает, покрываясь разноцветными цветами. Для создания лаконичного и емкого описания вновь привлекаются глагольные средства. Однородные сказуемые "сохнут" и "пестреть" передают очередную фазу сложного процесса весеннего обновления. Галерея пейзажных зарисовок завершается звуковыми образами. Наблюдатель слышит шум, который производит домашний скот, вышедший на пастбище после зимовки. Первые трели соловья нарушают ночное безмолвие. Комплекс конкретных природных примет, которыми изобилует фрагмент, позволяет воссоздать временной промежуток, обозреваемый повествователем. Его ранние наблюдения датируются концом марта-началом апреля, заключительные - первыми неделями мая.

**Сарвиноз АЛЛАМБЕРГЕНОВА,**  
учитель начальных классов  
ООШ №15 г.Карши



Автор страницы Дильноз АЗИЗОВА, преподаватель Кашкадарьинского областного регионального центра повышения квалификации и переподготовки работников народного образования

## ЛЕГЕНДА О ТОМИРИС-ЦАРИЦЕ МАССАГЕТОВ

На бескрайних просторах евразийских степей в глубокой древности царили легендарные воины-кочевники скифского круга: саки, массагеты, сарматы и скифы. На протяжении тысячелетия, начиная с VIII в. до н.э. до IV в. н.э., они наводили страх на цивилизации Востока и Европы: Грецию, Рим, Египет и Персию. К восточным племенам принадлежали саки и массагеты, которые проживали на территории Центральной Азии.

В VI веке до н.э. была образована первая мировая империя Ахеменидов в Персии. Персидский царь Кир II, объединив страны Месопотамии, начинает завоевательную политику. Он задумал большой завоевательный поход в Египет. Однако Кир прозорливо предвидел, что война с таким большим государством, которое стало сильнее благодаря политике фараона Амасиса, будет тяжелой. Кир решил отложить поход на Египет и обезопасить восточные границы империи, где в бескрайних степях находились кочевья саков и массагетов. Степные племена обладали внушительной военной силой, были непредсказуемы в своих перемещениях и потому могли в любое время года обрушиться на завоеванные персами среднеазиатские области. В 530 г. до н.э. Кир Великий двинулся во главе своей огромной армии на Восток.

Массагетами в это время управляла царица Томирис. Она была дочерью Спаргаписа - вождя всех массагетских племен. После смерти вождя, как его единственный ребёнок, Томирис наследовала власть, но многие племенные вожди, недовольные тем, что ими руководит женщина, попытались свергнуть её правление. Томирис всю свою молодость

боролась за право руководить массагетами и она доказала это своим мужеством, воинской отвагой и преданностью своему народу. Существует легенда о том, как Томирис сама выбрала себе мужа. Спаргапис во время войны с другими сакскими племенами попросил о помощи своего союзника - вождя саков-тиграхауда Кавада. Кавад в это время так же воевал на своих границах, поэтому он отправил вместо себя своего любимого сына Рустам. Когда Рустам приехал в становище массагетов, там проходили состязания между батырами. Призом в этом состязании была рука дочери вождя Томирис. Тот, кто поймает Томирис в состязании на конях, тот и станет её мужем. Томирис была одной из лучших наездниц в своём племени, поэтому лишь лучший из воинов мог её догнать. Состязания выиграл Рустам.

Когда Томирис узнала о нападении Кира II, она приказала массагетам покинуть становище и уйти в степь. Кир, в свою очередь, решил хитростью захватить власть над массагетами. Он направляет посланца с письмом к царице Томирис. В нём Кир восхваляет её красоту и ум, и предлагает стать его женой. Тем самым спасти свой народ от кровопролитной войны. Но мудрая Томирис поняла, что персидскому владыке нужна не она, а её царство, и отказала. Казалось, что военный поход начался для персов успешно. Массагетская конница, прикрывавшая все дальше уходящие в степь кочевья, старалась не ввязываться в серьёзные боевые столкновения и отступала перед продвигавшейся армией персов. Эта была тактика заманивания врага в степь. Массагеты



всегда после стычек успешно уходили от погони на своих быстрых конях. Таким образом, персы дошли до Яксарта. Здесь Кир решил применить хитрость. Он приказывает разбить лагерь отравить в нём всех раненых и больных солдат, а сам с основными силами притаился в засаде. Массагеты во главе с сыном Томирис Спаргаписом ночью напали на лагерь, но не получив отпора, решили, что персы бежали. Празднуя победу, они выпили вина, оставленные персами, которые были отравлены. Ночью, когда большая часть массагетского отряда заснула, персы напали и перебили почти весь отряд. Сын Томирис попал в плен. Узнав об этом, царица Томирис отправила к Кир посланца и потребовала освободить её сына, поскольку тот был взят в плен "не силой оружия в честном бою". Массагетская царица грозно предупредила персидского владыку: "Если же ты этого не сделаешь, то клянусь тебе богом солнца, владыкой массагетов, я действительно напою тебя кровью, как бы ты не был ненасытен". Кир отказал Томирис, а Спаргапис покончил жизнь самоубийством, не желая, что бы Кир с его помощью манипулировал Томирис.

**Маргарита ЮСУПОВА,**  
учитель начальных классов  
ООШ №15 г.Карши

# MATEMATIKA VA FIZIKA FANLARIDAN OCHIQ OLIMPIADA

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-iyundagi "O'smirlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash hamda O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari va davlat xizmati uchun kadrlar zahirasini tayyorlash tizimini takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4375-sonli hamda 2020-yil 3-dekabrda "Iqtidorli yoshlarni saralab olish tizimi va akademik litseylar faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4910-sonli qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida Shahrisabz "Temurbeklar maktabi" harbiy-akademik litseyida Umumta'lim maktablarining 8-9 sinf o'quvchilari o'rtasida Matematika va Fizika fanlaridan ochiq olimpiada o'tkazildi.

Olimpiadaning rasmiy ochilish marosimida harbiy-akademik litsey direktorining o'quv ishlari bo'yicha o'rinbosari J.Q.Musirovolimpiada qatnashchilarini o'tkazilayotgan olimpiadaning kun tartibi, olimpiada nizomi va baholash mezonini bilantishtirdi.

Olimpiadada Qashqadaryo viloyatining Yakkabog' tumani, Shahrisabz tumani, Shahrisabz shahridagi va Samarqand viloyati Samarqand shahridagi umumta'lim va ixtisoslashtirilgan maktablarining 8-9-sinf



o'quvchilari (jami 205 nafar) qatnashdi. Olimpiadada 8-sinf o'quvchilari o'rtasida Fizika fani bo'yicha 31 nafar o'quvchi, 9-sinf o'quvchilari o'rtasida Fizika fani bo'yicha 33 nafar o'quvchi, 8-sinf o'quvchilari o'rtasida Matematika fani bo'yicha 75 nafar o'quvchi va 9-sinf o'quvchilari o'rtasida Matematika fani bo'yicha 66 nafar o'quvchi ishtirok etishdi.

Hakamlarhay'atiazolaritomonidan o'quvchilarning ishlari tekshirilib, olimpiada g'oliblari aniqlandi.

8-sinf o'quvchilari o'rtasida Fizika fanidan I o'rinni Shahrisabz shahar 7-IDUMI

o'quvchisi Sobirjonova Dilbar, II o'rinni Shahrisabz shahar 7-IDUMI o'quvchisi Oripov Anvar, III o'rinni Shahrisabz shahar 1-IDUMI o'quvchisi Jo'rayeva Munavvar egalladi.

9-sinf o'quvchilari o'rtasida Fizika fanidan I o'rinni Samarqand viloyati Samarqand shahar Mirzo Ulug'bek nomidagi matematika, fizika fanlari chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan tayanch davlat umumta'lim maktab internati o'quvchisi Hamzayev Temurbek, II o'rinni Samarqand viloyati Samarqand shahar Mirzo Ulug'bek nomidagi matematika, fizika fanlari

chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan tayanch davlat umumta'lim maktab internati o'quvchisi Baxtiyrov Suxrob, III o'rinni Shahrisabz shahar 7-IDUMI o'quvchisi Jabborov Xusan egalladi.

8-sinf o'quvchilari o'rtasida Matematika fanidan I o'rinni Shahrisabz shahar 7-IDUMI o'quvchisi Soataliyev Og'abek, II o'rinni Shahrisabz tumani 43-maktab o'quvchisi Mustafoyeva Nigora, III o'rinni Shahrisabz tumani 41-maktab o'quvchisi Qiyomxonov Asrorxon egalladi.

9-sinf o'quvchilari o'rtasida Matematika fanidan I o'rinni Shahrisabz shahar 7-IDUMI o'quvchisi Ko'charov Valijon, II o'rinni Shahrisabz shahar 1-IDUMI o'quvchisi Namozov Laziz, III o'rinni Shahrisabz tumani 3-IDUMI o'quvchisi Nurilayeva Gulirano egalladi.

Olimpiada g'olibligini qo'lga kiritgan o'quvchilar diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi. Olimpiada g'oliblarining ustozlari faxriy yorliqlar bilan taqdirlandi.

Olimpiadada yuqori natijalarni qo'lga kiritgan o'quvchilar Shahrisabz "Temurbeklar maktabi" harbiy-akademik litseyiga o'qishga taklif etildi.

**A.TURAYEV,  
Z.KENJAYEV,  
Shahrisabz "Temurbeklar maktabi"  
harbiy-akademik litseyi o'qituvchilari**

## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланиб, у боланинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу даргоҳда бола қалбда мактабдаги ўқишга бўлган иштиёқ шаклланади, яшириниб ётган истеъдод ва иқтидор тарбияланади. Муҳими, меҳрибон, ғамхўр ва ширинсўз тарбиячилар қўл остида тарбияланаётган болажонларни кўрган ота-оналар дилбандининг келажаги ишончли қўлларда эканлигидан мамнун бўлади.

Қосон туманида замонавий услубда бунёд этилган, барча шароитларга эга ЯТТ Фулом Чориев ташаббуси билан ташкил этилган 31-Оилавий боғча болажонларнинг сеvimли масканига айланган. "Жаҳонгир агро ҳосил" фермер хўжалиги раиси сифатида фаолият юритган тад-

биркор Фулом Чориев таъсисчи ҳисобланиб, ота-оналарнинг талаб ва истакларини эътиборга олган. Фулом аканинг турмуш ўртоғи Дилшода Раҳмонова боғчанинг иш юритувчиси ҳисобланиб, фаолиятнинг бир маромда олиб бориш ва ташкилий юмушлар унинг қўлида. Айни пайтда 25 нафар кичкинтой тарбияланаётган кичкинтойлар маскани 2019 йил 1 июнда ўз фаолиятини бошлаб, Севара Тўйчиева, Дилобар Ашурова, Ситора Нажимова, Гулҳумор Расулова сингари тарбиячилар турли тадбирлар ташкил этиб, болажонларни баркамол вояга етишлари учун ҳаракат қилишмоқда.

**Азим ЭШОНҚУЛОВ**



## БОЛАЛИКНИНГ РАНГИН ДУНЁСИ

Феруза Мирзаева раҳбарлик қилаётган Шаҳрисабз шаҳридаги 20-сонли ДМТТда машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Бундан ташқари муассасадаги мавжуд машғулот хоналари, лингафон, компьютер синфлари ҳамда спорт-соғломлаштириш бўлимлари тарбияланувчиларнинг таълим олиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, болажонларнинг соғлиги шифокор томонидан доимий назоратда бўлиб, улар ҳар куни тиббий кўрикдан ўтказилади ва саломатлиги ҳақида ота-оналарга мунтазам ахборот бериб борилади.

Ҳар бир бола ўзга бир олам. Шу сабабдан биз жажжи болажонлар билан индивидуал тарзда машғулот олиб боришга ҳаракат қилмиш, иқтидори ва истеъдоди қараб тўғарақларга йўналтирамиз, дейди биз билан суҳбатда муассаса раҳбари Феруза Мирзаева.

Юртимиз келажаги - соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, уларни ақл-заковатли қилиб вояга етказишда таълим ва тарбиянинг бошланғич тизими - мактабгача таълим муассасасининг ўрни ниҳоятда муҳим. Шаҳри-

сабздаги 20-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам болажонларимизнинг соғлом ва зўкмо бўлиб камол топишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Айни пайтда МТМда 200 нафар болажонлар тарбияланмоқда. Муассасада машғулотлар "Илк қадам" дастури асосида олиб борилиб, тарбияланувчиларнинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида махсус тўғарақлар ташкил этилган. Дилфуза Турдиева, Нафиса Шаропова, Назира Жўраева, Дилобар Тўраева, Гулшода Нарзуллаева, Шахло Мўминова,

Зилола Мамадиева сингари услубчи, психолог, ҳамшира, тарбиячи, ёрдамчи тарбиячи, хўжалик мудир, ошпаз ва бошқаларнинг иш услубларини намуна сифатида эътироф этиш мумкин.

"Илк қадам" лойиҳаси асосида фаолият олиб борилаётган муассасада турли тадбирлар уюштирилиб, болажонларнинг тўғри овқатланиши, соғломлаштирилиши, бадан-тарбия машғулотларига жалб этилиб, тўғарақларга қизиқишларига қараб жалб этилиши ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

**Азим ЭШОНҚУЛОВ**

## ИШБИЛАРМОНЛИК-ДАВР ТАЛАБИ

Саида Курбонова 1976 йилда Ғузор туманида таваллуд топган. Маълумоти олий. Қарши давлат университетининг биология факультетини тамомлаган. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Ўқишни муваффақиятли тамомлаб, меҳнат фаолиятини Қарши шаҳридаги 12-сонли мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик 2-сонли Академик лицейида биология фани ўқитувчиси, таъбиий фанлар кафедраси мудир, ўқув бўлими бошлиғи, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади.

Шу билан биргаликда тадбиркорлик билан шугуллана бошлади. Биология фанидан репититор ўқитувчи сифатида танилди. Педагогик фаолиятини давом эттириш баробарида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Интилганга тоъе ёр дегаңларидек "УЧКҲН ФОРЕЛ" балиқчилик хўжалигига асос солди ва шу хўжалик раҳбари сифатида фаолиятини ҳам олиб бормоқда. Балиқчилик хўжалиги йилга ҳалқимиз дастурхони учун 5, 6 тонна балиқ маҳсулотини етиштириб бермоқда. Бундан ташқари балиқчилик хўжалиги ҳудудда чорва моллари учун ем-ҳашак етиштиришни йўлга қўйган. Хўжаликни кўп тармоқли хўжаликка айлантириш мақсадида

балиқчилик хўжалиги ёнида 20 дан ортиқ чорва моллари ҳамда паррандачилик йўналишларини ҳам йўлга қўйди. Саида Курбонова фақат шу билан қийоғланиб қолмади. У "САР-ВАРА ЗИЁ" ўқув марказини ташкил этди. Шу аснода бир неча унлаб иш ўринлари яратишга эришди.

Саида Курбонова айни пайтда Қарши шаҳридаги 48-сонли мактаб директори сифатида фаолият юритмоқда. Фарзанларини маълумотли қилиш, эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишига ҳам эътибор қаратган.

Янги фойдаланишга топширилган мактабда ҳам ташаббускорликка қўл ўрган Саида опа кенг қўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширишга бош-қош бўлди. Мактабнинг ички ва ташқи тамонларини бе-заш ишларини амалга оширди. Худуд аҳоли-си билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, 500 метр масофадан оқова суви қувурини ўтказишга муваффақ бўлди. Натижада ҳомийлар ёрдами мактаб ҳудудига қадалган 500 туп янги экилган мевали ва манзарали дарахтлар обихаётдан баҳра олиб, кўкка бўй чузмоқда. Мактабга кирувчи ва атроф йўлларини асфальтлаш ишларига яқиндан ёрдам берди. Мактаб жойлашган ҳудуд катталиги сабаб маҳалла иккига бўлинди. Янги ташкил

этилан Бунёдкор маҳалласи фуқаролар йиғини раислиги учун ўтказилган сайловни очик ва ошқоралик, шаффоф ўтишида ибрат намунасини кўрсатди.

Мактабнинг фаоллар залини ҳомийлар ёрдамида зарур жиҳозлар билан бойитиш ишларини бажарди. Ўзи раҳбарлик қилаётган балиқчилик хўжалиги ҳисобидан мактаб синфхоналари турфа ва анвойи гуллар билан таъминланди, деразалар янги русумдаги офтоб нуридан ҳимоя этувчи пардалар билан қопланди.

Эътиборли жиҳати, мактаб 2021 йилнинг март ойида фойдаланишга топширилган. Шу вақтда 326 нафар ўқувчи 14 та синфга бўлинган эди. Ҳозирда жамоанинг саъй ҳаракати билан, изланувчан педагог ҳодим, раҳбар Саида Курбонованинг ўқувчиларни ихтиёрий равишда мактабга жалб этиш борасидаги изла-нишлари натижасида ўқувчилар сони 542 нафарга етиб, синфлар сони 22 тага етди.

Бугун Саида опа янгидан янги лойиҳалар



устида изланишлар олиб бормоқда. Булар таълим сифатини ошириш, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказиладиган турли танловларда иштирокини таъминлаб, юксак натижаларни қўлга киритиш, мактаб-оила-маҳалла ҳамкорлигини жонлантириш ва бошқалар...

**Зулҳумор МУҚИМОВА**

### ЭЪЛОН!

Қарши давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши ДУ) маъмурияти томонидан 1996 йилда 1293-қайд рақами билан ШОХЛИЕВА ДИЛҒУЗА ХУСАНОВНАга берилган 118355 рақамли диплом йўқотилганлиги сабабли  
**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ**

Қамаши туманидаги 1-сонли мактаб маъмури-яти томонидан 2006 йилда АЗИМОВ АНВАР БАҲО-ДИРОВИЧга 11-синфни тугатганлиги тўғрисида берилган О'Р-ШН № 0424806 рақамли шаҳодат-нома йўқотилганлиги сабабли  
**БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ**

**Қашқадарё вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси Китоб туман бўлими туман ҳудудида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш ишларини қонуности ҳужжатлари асосида олиб боришди.**

Юртимизда малакали тиббиёт мутахассисларига бўлган эҳтиёж, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар, соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида юқори малакага эга олий маълум

мотли кадрларни фаолиятга жалб этишга қаратиб келаётган Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Китоб туман бўлими мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси йиғилишининг тегишли баёни ижросини таъминлаш мақсадида туманда фаолият кўрсатаётган аҳоли билан мулоқотга кирувчи хизмат кўрсатиш объектлар, жумладан барча турдаги савдо объектлари (озик-овқат, хўжалик моллари, кийим-кечак дўконлари, дорихоналар ва бошқаларнинг), умумий овқатланиш корхоналари, чойхона, тўйхона, кафе ва ресторанларда ишловчи ходимлар ўртасида тарғибот ишлари ташкил этилиб, огоҳлантириш хатлари

тақдим этиб, карантин даврида ибрат намунасини кўрсатдилар.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Китоб туман бўлими бошлиги Сайфиддин Иботовнинг таъкидлашича тумандаги 2 та Кўп тармоқли марказий поликлиника, 5 та Қишлоқ врачлик пункти, 7 та Оилавий поликлиникалар билан ҳамкорликда аҳоли ва ҳудуддаги корхона ва ташкилот, муассасалар ходимларини ўз вақтида коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ишлари ўз вақтида олиб бордилар.

Жумладан, AstraZeneka, Sputnik, Moderna, Pfizer/BionTech, SputnikLight, Sinovac вакциналари захираси шакллантирилиб, эмлаш давом эттирил-



моқда.

Бўлимда жами 121 нафар ходим фаолият кўрсатиб, уларнинг 35 нафарини врачлар, 86 нафарини ўрта тиббиёт ходимлари ва орастаконлар

ташкил этади. Маълумот ўрнида айтиш мумкин, "COVID -19" га қарши эмлашни амалга оширишга тайёргарлик кўриляётгани сабабли БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига вакциналар ташиш учун "Changan" русумли махсус автомашиналар тақдим этилган эди. Шаҳар ва туман бўлими учун 15 та махсус изоляция қилинган авторефрижератор топширилганли самарали ишлашга қўл келди. "Changan" вакциналарни маълум бир ҳароратни сақлаган ҳолда ташиш зарур. Бунинг учун махсус автомашиналарнинг топширилиши совуқлик занжирини ва логистика инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ҳамда вакциналарни маълум ҳудуд бўйлаб хавфсиз ва тезкор ташишда муҳим аҳамият касб этади.

**Рисолат БОЛТАЕВА, Бехзод САИДНУР**

## Маҳалла - ёшлар тақдирида

Мамлакатимизда ёшларни юксак маънавиятга, мустақил ва эркин қирғайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини тўлиқ ўзлаштирган, қисқача айтганда, баркамол инсонлар этиб воёга етказиш, уларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаоллигини ошириш борасида кенг қўлланма ислохотлар олиб борилаёпти.

Бугунги кунда маҳаллаларда 8 та жамоатчилик комиссияси, шу жумладан, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари ҳамда Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялари, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси бўйича билимини оширишга йўналтирилган "Ота-оналар университети" изчил фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, "Оила - маҳалла - таълим муассасаси" ҳамкорлиги механизминини кучайтириш чоралари кўриляпти. Эътиборлиси, ана шу саъй-ҳаракатлар ёшларимизни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб воёга етказиш, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш, миллий ўзлгимиз ҳамда дунёни чуқур англайдиган инсонлар бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутаяпти.

- Маҳалламиз ўғил-қизлари аҳлиноқ яшашади, бўш вақтларини спорт зали ва тўғарақларда ўтказиш, - дейди Косон туманидаги "Сурхон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Ахмедов. - Маҳалла ҳудудида 3699 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улар 663 та хонадонда истиқомат қилишади. Ойлаб сонини 808 тани ташкил этади. Маҳалламиз ҳудудида 141 та фермер хўжаликлари фаолият юритиб, улар чорвачилик, пахтачилик, ғаллачилик билан шуғулланишади. 12 нафар ЯТТлар ўз йўналишларида фаолият олиб боришмоқда. Маҳалламизда 1 та МТТ, 1 та мактаб, 1 та оилавий поликлиника мавжуд. 2019 йилда "Обод қишлоқ" дастури лойиҳасига маҳалламиз киритилиб, лойиҳа доирасида 8 км йўлга шағал туқилди. 1 та артизан қудуғи ташкил этилиб, 700 метр ички йўлак қилинди. 17 та тунги ёриткич чироқлари ўрнатилди. Маҳалла гузарини таъмирдан чиқарилди.

Йиғин раисининг айтишича "Аёллар дафтери"га 57 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожлар киритилган бўлиб, улар эътиборда. Ҳудудда фаолият олиб бораётган Ўйғун Бегимкулов раҳбарлигидаги "А.Темур", Захриддин Наҳанов бошчилигидаги "Коинот кўрки", Зариф Ахмедов бошчилигидаги "Бирлик", Азиз Норкулов бошчилигидаги "Бахт кўзгуси" фермер хўжаликлари тадбирларда фаол иштирок этиб, ҳомийлик ёрдамида кўрсатиб келишмоқда. Маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси Гулистон Юлдошева, Шерали Жуманиёзов, Суҳайл Бобоқулов ва бошқалар маҳалла аҳолиси ва ёшларнинг интилиш ва қизиқишларини, муаммоларни ўрганишда ибрат намунасини кўрсатишмоқда.

**Рисолат БОЛТАЕВА, Бехзод САИДНУР**

## БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Юртимиз келажаги - соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, уларни ақл-заковатли қилиб воёга етказишда таълим ва тарбиянинг бошланғич тизими - мактабга таълим муассасасининг ўрни ниҳоятда муҳим.

Косон туманидаги "Шоҳжаҳон Амирбек соғлом авлод" НМТТ 2021 йил 1 сентябрда ўз фаолиятини бошлаган. 100 ўринга мўжалланган муассасада илк, ўрта ва тайёрлов гуруҳларида тарбияланаётган болажонлар рус тили, инглиз тили, ментал арифметика, театр студияси, мусика спорт тўғраларига қизиқишларига қараб жалб этилган. Бу ерда 12 нафар ходим иш билан таъминланиб, шундан 4 нафар тарбиячи, 4 нафар ёрдамчи тарбиячи, 2 нафар ошпаз ва ҳамшира фаолият олиб боради. Тадбиркор Назиржон Норкулов "Мадина Бек Муҳаммад" МЧЖ раҳбари ҳисобланиб, ўз маблағи ҳисобидан муассасани ташкил этган. Эътиборлиси бу кичинтойлар маскани Ватанпарвар болажонлар харбий йўналишда фаолият олиб бораётган



кўплаб харбийларнинг фарзандларини қамраб олган. Туман мудоффа бўлими ҳамкорлигида иш олиб бораётган НМТТда турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. "Шоҳжаҳон Амирбек соғлом авлод" НМТТ директори Баҳрия Қобилваннинг таъкидлашича ҳар томонлама замонавий қўлайликка эга, 2019 йил сентябрь ойида ишга тушган бу НМТТда айна пайтда жажжи болажонлар "Илк қадам" дастури талаблари асосида тарбияланмоқда.

**Р. БОЛТАЕВА, Б.САИДНУР**

## СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА КАМОЛОТИ - ЖАМИЯТ БАХТИ



Соғлом она ва бола ҳар бир оила ва ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи, қолаверса, бутун жамият ва мамлакатнинг таянчидир. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган

барча эзгу ишлар негизда соғлом авлодни воёга етказиш муҳассам.

Фарзандларнинг соғлиги эса оналар соғлиги билан ҳамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам, юртимизда оналар ва болалар саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат мустақил давлатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто узок аҳоли марказларида ҳам оналар ва болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида тугруқхоналар, шифохоналар, оилавий поликлиникалар, болалар шифохоналари ва сихатгоҳлар барпо этилган.

Уларда тажрибали, малакали шифокорлар она ва бола соғлиғи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Чироқчи туманининг Кўкдала

## ОЛОВДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ- ОЛОВ ДУШМАН

Ёнғиннинг олдини олиш учун ҳар бир фуқаро доимо эътиборли бўлмоғи лозим. Доно халқимиз бежизга айтмаган: "Олов - тилсиз ёв", "Оловдан эҳтиёт бўлинг олов душман" деб. Чунки у ниҳоятда хавфли офат. Ёнғин содир бўлса соҳа ходимларининг зиммасига янада катта масъулият юкланиб, улардан белгиланган вазифаларни жонбозлик билан адо этиш талаб этилади.

Азиз фуқаролар, шундай экан



ёнғин талофат етказмасдан унинг олдини олган маъқул. Туман ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролар хонадонлари ҳамда корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, исгазидан заҳарланишнинг олдинги олишда профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Ёнғин ён-атрофга жиддий хавф солувчи офатлардан биридир. Шунинг учун корхона, ташкилот ҳамда муассаса ходимлари ва аҳоли содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларга доимо эътиборли, зийрак ва ҳушёр бўлмоғи лозим. Ана шундагина "тилсиз ёв" жамиятимизга, қолаверса, инсонлар ҳаётига таҳдид сола олмайди.

**Ф.ЭШМАТОВ, Нишон тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.**

**Б.ФАЙЗИЕВ, етакчи инспектор**

## САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

**Саломатлик - энг буюк неъмат. Бу азиз неъматнинг мустаҳкамлиги ва бардавомлигини таъминлай олиш эса инсонга ато этилган гўзал фазилатлардан биридир. Шунинг учун ҳам элга шифо бағишлашни олий мақсад билиб, бор куч-салоҳиятини бахшида этаётган тиббиёт ходимларининг меҳнати юксак шарафга лойиқ.**

Инсон хаста бўлганда нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам синиқликни бошдан кечирилади. Шундай экан ҳузурга ёрдам сўраб бораётган инсон хаста жисмига малҳам бўлишни истаيدди. Шифокорнинг малакаси ва ширин сўзи эса унинг жонига жон, дардига дармон бўлади. Мамлакатимизда пандемик вазият ҳукм суриб, коронавирус касаллиги барчани даҳшатга солганда ҳам улар жонларини хатарга қўйиб, ҳар жиҳатдан кўмак беришга ҳаракат қилдилар. Шундай экан, эл саломатлиги ҳақида қайғури, илми ва умрини беморга бахшида қилаётган тиббиёт ходимлари доимо бизларнинг қаҳрамонларимиз

бўлиб қолади.

Чироқчи туманидаги Кўкдала ҳудудидаги 2-сонли ҳудудий шифохонасининг болалар бўлимида бўлганимизда бўлим мудир Алишер Хушманов бизни бўлим фаолияти билан таништирди. Олий тоифали болалар шифокори, бўлим бошлиғининг таъкидлашича бўлим 15 ўринга мўжалланган. 16 нафар ҳамшира, 11 нафар орастакон, 1 та хўжалик бекаси ва 2 нафар болалар шифокори фаолият олиб боришади. Врач Фуқат Эркаев, катта ҳамшира Мамлакат Назарова, ҳамширалардан Дилноза Раҳмонова, Шоира Назарова, Дилфуз Холмуродова, хўжалик бекаси Гулчехра Садинова, орастаконлар, Феруза Каримова, Замира Қузиёева ва бошқаларнинг ҳар бири меҳнат фаолияти давомида кўплаб болажонларнинг дардига малҳам бўлиб, хасталикни енгиб ўтиши учун мададкор бўлишмоқда.

- Бир бемор боланинг онасини кўнглини кўтариш, ҳаётга муҳаббати ва курашувчанлигини оширишнинг ҳам машаққати бор, - дейди бўлим мудир Алишер Хушманов. - Тиббиёт ходимлари эса сабот билан бемор болаларни даволаб, уларнинг яқинларига қувонч улашадилар. Эътибор ва ширин сўзларини бахшида этадилар.

**Рисолат БОЛТАЕВА, Бехзод САИДНУР**



ҳудудидаги 2-сонли ҳудудий шифохонасининг тугруқ бўлимига Баҳодир Галаев раҳбарлик қилиб келади. 15 ўринли бўлим жамоаси она ва бола саломатлиги муҳофиза қилишда астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ҳудудда 7360 нафар тугруқ ёшидаги хотин-қизлар бор. Бўлимда ойига ўртача 60-65 нафар чақалоқлар дунёга келмоқда. Дунё юзини кўрган чақалоқларга ўз вақтида юқумли касалликларга эмлаш ишлари олиб борилмоқда. Таҳлил намуналари олиниб, саломатлиги назорат остида. Кўкдаладаги 4-сон поликлиникада хотин-қизлар маслаҳат хонаси фаолият юритиб, ҳомиладор аёллар ҳисобга

олиниб, аниқланган касалликларни эрта бартараф этиш, экстрагенитал касалликлар мавжуд аёллар диспансер назоратига олинади ва вақтида амбулатор ва стационар шароитда даволанади.

Врач-неонатолог Алишер Хушманов, акушерлардан Гулмира Фазлиддинова, Наргиза Пардаева, Шоира Яхшимуродова, Феруза Шанаева, ҳамширалардан Меҳри Тошпўлатова, Малика Фармонова, Дилфуза Боймирзаева ва бошқалар она ва бола саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Рисолат БОЛТАЕВА, Бехзод САИДНУР**

## Ис газидан эҳтиёт бўлинг!

Ёнилғи маҳсулотлари орасида бошқаларига нисбатан энг хавфлиси табиий газдир. Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг беҳосдан ва ҳар хил омилларга (қувурларнинг тешилиши, авариялар) кўра узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газ плитасини ёқиб қўйиб соатлаб хабар олмаслик, иситиш печларига газни улашда хавфсизлик чораларини кўрмаслик ҳамда бепарволик портлаш, ёнғин қиқиши, шунингдек, ис газларидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқараёпти.

Бундан ташқари, аҳоли томонидан қўлбола, стандарт талабларига жавоб бермайдиган асбоб-жиҳозлардан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали улаиш, дудбуронни тозаламаслик ва уй ичини иситиш мақсадида очик оловдан фойдаланиш оқибатида фуқароларнинг исгазидан заҳарланиши ҳамда ҳаво-газ аралашмаси қақнаши туфайли ёнғин содир бўлиб, одамлар ҳалок бўлиши ҳолатлари кузатишмоқда. Озгина эҳтиётсизлик туфайли соғлигинизга, мол-мулкнингизга ўзингиз хавф тугдириб қўйишингиз мумкинлигини асло унутманг!



**Б.ФАЙЗИЕВ, (расми бор)**

**Нишон тумани ФВБ етакчи инспектори**

## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖОДКОРЛИГИ

**Навқирон авлодни замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассислар этиб тарбиялашда ўқитувчининг ўрни бениҳоя катта. Айниқса, чет тилларни ўқитишда ўқитувчидан нафақат педагогик маҳорат, балки ижодкорлик, изланувчанлик талаб этилади. Вилоятимиздаги мактабларда чет тилларини ўқитадиган, жумладан инглиз тилидан сабоқ бериб, салмоқли натижаларга эришадиган ўқитувчилар талайгина.**

Хусусан, Қарши шаҳридаги 2-сон Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабнинг изланувчан инглиз тили фани ўқитувчиси Азиза Рўзимуратова шулар жумласидандир. А.Рўзимуратованинг таъкидлашича бу ерда инглиз тили замонавий педагогик технологиялар асосида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўргатилади.

Мутахассислар чет тилларни болаликданок эгаллаб бориш энг тўғри ҳамда самарали эканлигини кўп бора таъкидлашади, - дейди А.Рўзимуратова. - Шу маънода айни пайтда ўқувчиларнинг ўқув режасига чет тили машғулоти сони ортганлиги, бундан ташқари, юқори синф ўқувчилари учун ҳам чет тилларини ўқитишда дарс соатларининг ошганлигининг ўзиёқ хориж тилларини ўрганишга бўлган бу саъй-ҳаракатлар нечоғли тўғри бўлганини кўрсатаяпти. Одатда, мактаб ёшидаги болалар табиатдан ўйинқароқ бўлади. Уларнинг дарсга қизиқиши, фаол қатнашиши, ўйга берилган вазифаларни мустақил, ўз вақтида тайёрлашига эришиш учун ўқитувчи интерфаол усуллардан кенг фойдаланиши лозим.

Хорижий тилларни пухта эгаллаш учун қанчалик кунт ва сабот керак бўлса, педагогдан ҳам шунчалик катта маҳорат ҳамда фидойилик талаб этилади.

Юқорида айтилганидек Азиза Рўзимуратова ана шундай касб фидойиларидан. Муаллима ўқувчиларига таълим беришда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга, ўғил-қизлар тафаккурига кўргазмаларни кўрсатиш, дарсга оид санъат намуналарини намойиш этиш орқали кўпроқ таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Унинг ташаббуси билан мактабда намунали дарслар режа асосида ташкил этиб турилади.

Мактабимиз инглиз тили фани чуқурлаштирилиб ўтилади, - дейди педагог. - Бу зимманимизга катта масъулият юклайди. Биласизми, ўқитувчи изланувчан ва ижодкор бўлиши лозим. Айтайлик, дарс вақтида хилма-хил интерактив усуллардан фойдаланиши зарур. Ўқувчиларимиз дарслардан ташқари тўғрақларда ҳам фаол қатнашадилар. Аслида тил ўрганиш боланинг қобилиятини тоблайди, унинг имкониятларини кенгайтиради. Шу маънода, ҳозир кўплаб шогирдларимизнинг инглиз тилида бийрон сўзлашини кўриб, ҳавасингиз келади.

Албатта, хорижий тилларни ўқитишда мактабларнинг моддий-техник базасининг яхшиланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни талаб даражасига кўтариш учун мамлакатимизда чет тили кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш ишлари

анча жонланган.

Мактабимизда чет тилларни ўрганиш тарғиботига бағишланган ранг-баранг тадбирлар, ижодий кечалар, тўғрақ машғулоти ва турли танловлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйганмиз, - дейди А.Рўзимуратова. - Булар ўқувчиларимиз билми тобора мустақамланиб бориши, бошқача айтганда, "тили қотиб қолмаслиги" учун яхшигина маҳорат мактаби бўлапти. Ўқувчиларимиз орасида чет тиллари бўйича шаҳар, вилоят ва ҳатто, республика фан олимпиадаси голиблари бор. Ҳақиқий муаллим учун шогирдлари эришадиган ютуқларни кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Дилобар УСМОНОВА,**  
**вилоят ХТХҚТМОХМ Педагогика, психология ва таълим ме-нежменти кафедраси ўқитувчиси**

## Бошланғич синфда ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш усуллари

Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, шу жараёнда шахснинг таракқиёти, унинг маълумоти ва тарбияси ҳам амалга ошади. Дарсларда ўқитувчи ўз билими, кўникма ва малакаларини машғулотлар воситасида ўқувчиларга етказиш, ўқувчилар эса уни ўзлаштириб бориши натижасида ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлади. Ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзлаштиришнинг турли кўринишларидан фойдаланишади, яъни ўзлаштирилаётган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишда ўзига хос тафовутларга таянади. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс пайтидаги ҳамкорлиги, ўқувчиларнинг мустақил ишлаши, синфдан ташқари ишлар шаклида таълим ва тарбия масалалари ҳал этилади.

Таълимнинг мақсади жамият эҳтиёжига мос равишда шаклланади. Шундай экан, таълим-тарбия мақсади мос ва мутаносиб бўлиши керак. Илмий адабиётларда таълимнинг мақсади имкониятларидан тўғри, аниқ, ўринли фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, мантиқий-ижодий тафаккурни ривожлантириш, коммуникатив саводхонликни ошириш, миллий ғояни сингдириш, шарқона тарбияни шакллантириш, шахсни маънавий бойитишдан иборатлиги таъкидланган. Таълимий мақсад асосида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, оғзаки ва ёзма саводхонликни ошириш, мантиқий тафаккурни ривожлантириш орқали уларнинг мулоқот маданияти тақомиллаштирилади. Тарбиявий мақсад асосида эса маънавий, ғоявий, нафосат тарбияси берилади. Тил ўрганиш жараёнида халқнинг маданий-ахлоқий қадриятларига яқинлаштириш имкони пайдо бўлади.

Улуг донишмандлардан бири "... келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит", деган экан. Ўртимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақиқий маънода бир-икки

йиллик ёки қисқа даврда самарага эришишга қаратилган иш эмас, балки чин маънода бир неча юз йилларга татийдиган ўзгариш бўлди, десак хато бўлмайди. Бу президентимизнинг келажакимиз, келажак авлодимиз ҳақида қайғуриб, юртимизнинг барча фарзандлари - менинг фарзандларим, улар бизлардан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари керак, деган ғояси замирида донишмандларча сиёсат ётганини кўрсатади.

Маълумки, таълимда илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларини татбиқ этиш ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширибгина қолмай, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш орқали мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялардан фойдаланиш эса уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топиш, мустақил ўрганиш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳатто яқиний ҳулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратди ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Бугунги кунда таълимда "Ақлий ҳужум", "Фикрлар ҳужуми", "Тармоқлар" методи, "Синквейн", "БББ", "Бешинчиси ортиқча", "6х6х6", "Баҳс-мунозара", "Ролли ўйин", "ФСМУ", "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Юмалоқланган қор", "Зигзаг", "Охириги сўзни мен айтмай" каби замонавий технологиялар қўлланимоқда.

**Мунира ТОШТЕМИРОВА,**  
**Касби туманидаги 22-мактабнинг бошланғич таълим услуб бирлашма раҳбари**

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, кичик мактаб ёшидаги болаларга таълим-тарбия беришнинг педагогик ва психологик асосларини мукамаллаштиришга хизмат қиладиган қатор илмий қарашлар, педагогик назариялар шаклланганки, улар характерига кўра унитар (якка) ҳолатдаги, анъанавий (предметли) таълим туридан фарқли ўлароқ шахс камолотини, унинг баркамол шаклланиб ривожланиб боришини таъминлашга хизмат этувчи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш имкониятини беради.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим тизимида муҳим бўгин ҳисобланиб, у болада ўқиш-ўрганиш истаги ва кўникмаларини шакллантириш, болани юқори даражада шаклланган. Билиш фаолиятига жалб қилиш, бола руҳиятида зоҳир бўлган адолат ва эзгуликни барқарорлаштиришни мақсад қилиб қўяди. Бошланғич синфларда таълим мазмуни ўқув предметлари бўйича эмас, балки таълим соҳалари бўйича белгиланади.

Соҳалар бўйича таълим мазмунининг негизини белгилловчи кўрсаткичлар бошланғич таълимнинг Давлат стандартларида берилиб, уларда мактабгача таълим жараёни билан бошланғич таълим жараёни орасидаги узвийлик фанлараро алоқадорлик, таълимнинг инсонпарварлик, миллийлик касбий тамойиллари ўз аксини топади.

Давлат талабларида мактабгача ёшдаги болаларга бериладиган таълим-тарбия мазмунининг асосий учта йўналиши, шунингдек, мактабга тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар белгилаб берилган бўлиб, булар давлат ҳужжатлари сифатида эътироф этилади. Мактабгача таълим-тарбия ёшдаги болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантиришда таълим йўналиши болаларнинг билимга бўлган

қизиқишини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшади. Мактабгача таълим ёшидаги болалар тафаккурини ривожлантириш илк математик тасаввурларни тизимли ўстира бериш орқали амалга ошади. Бунда илк математик тасаввурлар теваарак-атрофдаги нарс ва буюмларни санаш, таққослаш, уларнинг ўлчамларини солиштириш, уларнинг ўрни ва вазиятларини аниқлаш, геометрик шаклларни фарқлаш, тафаккур операцияларининг анализ, синтез умумлаштириш, такрорлаш, аниқлаштириш каби турларини бола ёшига мос ҳолда ривожлантира бериш орқали юзага келади.

Илк математик тасаввурларни тинмай ривожлантира бориш бола тафаккурини ривожлантириш билан бир қаторда бошланғич синфларда ўқувчиларнинг мантиқий тафаккур қилиш малакаларини эгаллашларида замин ҳозирлайди ва унга имконият яратади.

Бошланғич таълимнинг ушбу хусусияти унда математика ва она тили таълим соҳаларининг мазмуни, миқдорини белгилашда инобатга олингандир. Бошланғич таълимда билим таъбири, тушунча ахборот шаклида берилиб, у мактабгача таълим жараёнида тасаввур шаклида эгалланган билимларни аниқлаштириш, тизимлаштириш, ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради. Бошланғич таълимдан кўзда тутилган самарали натижа бошланғич таълим ва уни ташкил этиш тамойиллари, бошланғич таълим концепциясида эътироф этилган ғоялар асосида яратилган ўқув қўланмалар, методик тавсияномалар, бошланғич таълимни ташкил этиш метод ва усуллари, инновацион ғоялар, ўқитишнинг янги авлод воситаларига боғлиқдир.

**Зебо ЗАЙНИДДИНОВА,**  
**Қарши шаҳридаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.**

## БАРЧАМИЗ УЧУН УСТУВОР ВАЗИФА

**Жамиятимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган инсонлар билан фақат фахрланишимиз керак. Лекин айрим кимсалар борки, тўқлиққа шўхлик қилиб, ўз вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда, тараққий этиб келаётган давлатимиз мулкига раҳна солаётганликлари ачинарли ҳолатдир. Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида юртимизда коррупцияга қарши курашишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказётган энг хавфли иллат - коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда". Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай жиноятчилик маълум бир сабаб ва шарт-шароитлар таъсирида вужудга келади. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи сабаблар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бундан ҳулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан қамайтириш ҳамда чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишда коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш самара беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан бе-восита жамият ва инсонлар азият чекади, зарар кўради. Шунинг учун ушбу муаммо глобал бўлиб, унга қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бо-

шқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилганлиги бежиз эмас.

Коррупция сўзи латинча "corruptio - айниш-порага сотилиш" маъносини англатади, мансабдор шахслартомонидан уларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишни ифодаловчи сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунилади. Коррупция жиноят қонунчилигида ўзи мустақил жиноят таркиби бўлмай, балки бир қатор мансабга оид жиноятларни қамраб олувчи умумлашган тушунчадир.

Жиноят қонунчилигида коррупция-мансаб, мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури ҳисобланади. Коррупция фаолияти хуфиёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Аммо, умуман олганда, мансабдор шахсларгина эмас, балки, давлат ташкилотиди ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши, пора эмас, балки бошқа нарсалар эвазига ўз эҳтиёж ва манфаатларини ҳам амалга оширишлари мумкин. Дарҳақиқат, коррупция- илдиэлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодиса. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилишини тақозо этади.

Хусусан, унинг таркибига мансаб вақола-

тини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш, бериш ва бошқа бир қатор жиноятлар кирлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жамият тараққиёти кушандиси бўлган ушбу иллатга қарши курашиш йўлида аёвсиз кураш олиб борилаётгани ўзининг самарасини бермоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонуни ҳамда бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва бундай қилмишнинг содир этган шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, мамлакат ривож ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда бундай қабих жиноятларни содир этаётганлар ҳам учраб турибди.

Хулоса қилиб айтганда давлат идораларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бу борада барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим.

**Б.КУРБОНОВ,**  
**Шахрисабз шаҳар ФВБ бошлиғи, подполковник**

**Э.ЙЎЛДОШЕВ,**  
**Шахрисабз шаҳар ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант**

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

**Режа-жадвал асосида корхонада табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ўқув машғулоти бўлиб ўтади.**

Ўқув машғулотида вилоят ФВБ мутасаддилари, корхонанинг ОБЭХТТЭБ инспекторлари, қисм бошлиғи ва ўринбосарлари таклиф этилиб келинмоқда. Мазкур ўқув машғулотларида корхонанинг барча ходимлари иштирок этиб, унда мутахассислар томонидан юзага келиши мумкин бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш, ушбу вазиятларга тушиб қолганда инсон ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақида батафсил тушунчалар берилмоқда.

Корхонада фуқаро муҳофазаси тузилмалари куч ва воситаларининг доимий шайлигини таъминлаш, барча ходимларни фавкулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш лозимлиги юзасидан тушунтириш ишлари слайд ҳамда видеороликлар орқали олиб борилмоқда. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, ишчи ва хизматчиларининг фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича билимларини изчил ошириб бориш ва кўникмаларини ҳосил қилиш асосий мақсадимиздир.

**Сардор ЗАРИФОВ,**  
**"Шўртангазкимё мажмуаси" МЧЖ ОБЭХТТЭБ 41-ЁҚҚ бошлиғи ўринбосари, капитан**

## АНОЛИНИ РО'ҲАТГА ОЛИШГА ҚИЙОС

Odamlar hisobini yuritish amaliyoti ilk bor miloddan avvalgi 3-ming yillikdan boshlangan. Bu jarayon dastlab Osiyo va Afrika davlatlari, Misr, Mesopotamiya, Hindiston, Xitoy va Yaponiyani qamrab olgan. Bu islohotdan ko'zlangan maqsad soliq to'lovchilar va askarlikka yaroqli aholi sonini aniqlash bo'lgan. Ilk o'rta asrlarda mazkur tartibot birmuncha takomillashgan. Aholini hisobga olish elementlari xo'jaliklarning yozma kitoblar, kadastrlardagi tavsiflari bilan uyg'unlashgan. Ularda odamlar yoki oilalar emas, balki uy-joy kabi soliqqa tortish birliklari birinchi o'ringa qo'yilgan. Finlyandiya XVI asrning o'zidan o'z aholi soni ro'yxatini olib borishni boshlashgan. Davlatning maqsadi birinchi o'rinda soliqqa tortish va harbiy xizmatga chaqirish bilan bog'liq bo'lgan. O'sha davrda Shvetsiya, o'zining sharqiy qismi bo'lgan Finlyandiyaning qo'shiganda ham aholisi kam, kambag'al davlat edi. Shu sababli ham yirik yirik ma'muriy apparat va armiyani saqlab turish uchun harbiy xizmatga majbur bo'lgan va soliqqa tortiladigan aholi va uning mulki to'g'risidagi ma'lumotlarga ega bo'lish lozim edi. Aholini ro'yxatida joylashgan va butun Finlyandiyaning o'z ichiga olgan axborot tarkibi o'zining keng qamrovli ekanligi bilan ajralib turadi. Axborot bazasi mamlakatning har bir fuqarosi haqidagi aniq va e'tiborga loyiq ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. Fuqaro to'g'risidagi eng muhim ma'lumotning ismi va familiyasi, tug'ilgan joyi va sanasi, hamda fuqaroligidir. Shuningdek, fuqaroning oilaviy ahvoli (turmush o'rtoq'i, farzandlari va ota-onasi) va yashash joyi to'g'risidagi ma'lumot ham muhimdir.

**Damin NAMOZOV,**  
**G'uzor tuman Statistika bo'limi boshlig'i**

## TADBIRKORLAR ERKIN FAOLIYAT YURITMOQDA

Bugun yurtimizda ish bilan band aholining anchagina foizi xususiy sektorda mehnat qilmoqda. Mamlakat yalpi ichki mahsulotida sohaning ulushi esa yildan-yilga ortib borayapti. Bu yurtimizda qulay ishbilarmonlik muhiti shakllantirilgani, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining davlat tomonidan har tomonlama qo'llab-quvvatlanayotgani, bu borada keng imtiyozlar tizimining joriy etilgani samarasidir.

Ushbu imkoniyatlardan unumli foydalanib, o'z biznesini yo'lga qo'yayotgan, daromadlarini oshirish bilan bir qatorda, qo'shimcha ish o'rinlari yaratayotgan, elga, yurtga nafi tegayotgan ishbilarmonlar soni oshib bormoqda.

Yurtimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Shu bois bugun ishbilarmonlar safi yanada kengaymoqda. Birgina viloyatimiz misolida oladigan bo'lsak, yuridik shaxs maqomini olganlar soni oshib bormoqda. Bu kabi yutuqlar yurtboshimiz tomonidan tadbirkorlarga berilayotgan keng ko'lamli imtiyozlarning yaqqol namunasi hisoblanadi.

**Elmurod BEKMURODOV,**  
**Nishon tuman Statistika bo'limi boshlig'i**

## TADBIRKORLIK - DAROMAD MANBAI

Yurtimizda iqtisodiy-rivojlanish, faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va bunyodkorlik salohiyatini qo'llab-quvvatlash orqali aholiga munosib hayot sharoitlarini yaratish, ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, bandlikni ta'minlash bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirib kelinmoqda.

Mamlakatimizda har bir oilada tadbirkorlikni rivojlantirish, tadbirkorlik bilan shug'ullanish istagida bo'lgan aholining tashabbuslarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularga imtiyozli kreditlar ajratish hamda tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish va amalga oshirishning har bir bosqichida mutasaddi idoralar tomonidan amaliy yordam ko'rsatilishi ta'minlanmoqda.

Tadbirkorlikni har tomonlama qo'llab-quvvatlash to'g'risidagi Prezidentimizning qaror va farmonlari, jumladan amaldagi kuchga kirgan qonun-hujjatlarida ham asosiy e'tiborni oilaviy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga undaydi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik aholi bandligini ta'minlovchi va uning asosiy daromad manbai bo'lgan muhim bo'g'ingacha aylanib bormoqda. Tadbirkorlik uchun yanada qulay sharoit yaratib berilayotganligi iqtisodiyotimizda kichik biznes ulushini yanada oshirishga xizmat qiladi.

**Temur NEKKIYEV,**  
**Nishon tuman Statistika bo'limi bosh mutaxassisi**

## ИС ГАЗИДАН ЗАХАРЛАНИШ ВА БОШҚА НОХУШ ХОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛАМИЗ!

Юртимизда киш фасли тугаб, баҳор келди. Фуқаролари-мизнинг носоз, ностандарт, кўлбола иситиш печларидан фойдаланиши, газ плитаси ёки иситиш печлари мўриконларининг соз ва тоза ҳолатда бўлишини таъминламасликлари оқибатида ис газидан захарланиш, табиий газ ва ҳаво аралашмасининг қақнаши, ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳолатларнинг юзага келиши хавфи доим эътиборимизда. Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қарши туман Фавкулдада вазиятлар бўлими туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа тезкор хизматлар билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

“Чоршанба - фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси кун” тадбири доирасида Қарши туманида ҳам профилактик ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилди. Ишчи гуруҳ таркибида Фавкулдада вазиятлар бўлими, ҳокимлик, газ таъминоти ва электр тармоқлари корхонаси ва бошқа масъул ташкилотларлардан вакиллар фаолият юритмоқда.

Қарши туманида режа асосида рейдлар ўтказилиб, маҳалаларда, кўп қаватли уйлар, хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилмоқда. Урганишлар давомида аниқланган камчиликлар шу жойнинг ўзида бартараф этилишига эришилмоқда. Аниқланган камчиликлар бўйича маҳалаларда муҳокама-лар ўтказилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини мунтазам равишда бузиб келаётган айрим фуқароларга маъмурий чоралар кўрилмоқда. Олиб борилган ишлар натижасида кўнгилсиз ҳолатларнинг содир бўлиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли равишда камайишига эришилди.

**Садриддин НАРЗУЛЛАЕВ,**  
**Кувондиқ ҚОРАКУЛОВ,**  
**Қарши туман ФВБ етакчи инспекторлари**

## КОРХОНАЛАРДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФА

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида ва жорий йилнинг шу даврига қадар амалга оширилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар натижасида мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш тармоқлари янада ривожланиб, ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажми янада ошиб бормоқда.

Бозор муносабатларига мос равишда нефт ва газ маҳсулотларини қазиб олиш корхоналари янгича техника ва технологиялар асосида тараққий этиб, ишлаб чиқаришнинг илғор услублари жорий этилди. Мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг тараққий эта бориши ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш оша бориши ўз навбатида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатори бўлинмамиз ходимлари зиммасига янгидан янги вазифаларни юклаганмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа масканларида, жумладан аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор асосий йўналишлар, яна ёнғинлар профилактикасининг илғор шакл ва усулларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимини такомиллаштириш, ҳар бир инспектор ўз хизмат мажбуриятларини “Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш-энг устувор вазифа” тамойили асосида сўзсиз бажаришини таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги инспекторларининг асосий вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлашни назарта тутадиган сифат жиҳатдан янги тартибни ўрнатиш, аҳоли билан яқиндан ишлаш, давлат органлари, тadbirkorlik субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш орқали ёнғин хавфсизлиги тизимига ишончини ошириш, ёнғин ўчириш кучлари ва воситаларини бошқаришда катта тажриба тўпланмоқда.

**Ислом САЪДУЛЛАЕВ,**  
**Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси ЁН ва ПБ инспектори, катта сержант**

## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

“ Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси ” объектларини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари бошқарувида бўлган ёнғин ўчириш автомобилли, махсус автомашина, ёнғин ўчириш автомобиллари ёрдамида корхона ҳудудида ёнғин ўчириш амалий машғулоти режа асосида ўтказилиб, шу билан бир қаторда корхона муҳандис-техник ходимлари ҳамда ишчи-хизматчиларига тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган кўргазмали намойишда бўлим шахсий таркибидан ёнғин назорати ва профилактикаси гуруҳи инспекторлари ҳамда ёнғин ўчирувчилар фаол иштирок этмоқдалар.

**Мирзабек ХУҲАКУЛОВ,**  
**Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси ЁН ва ПБ инспектори, катта сержант**

## БИРДЕК ИБРАТ КЎРСАТИБ...

Бошқарма инспекторлари, газ ва тутундан ҳимоя хизмати инструкторлар, катта техник хайдовчилар ва ёнғин ўчирувчилардан иборат шахсий таркиб уюшқоқлик билан ёнғинларни олдини олиш, борингки улар содир бўлса уларни тез ва талофсиз ўчириш ишларини ташкил қилиш мақсадида белгиланган режа-жадваллар асосида хизматни ташкил қилишга эътир.

Корхонада ёнғин хавфсизлигини олдини олиш мақсадида бу каби тадбирлар изчиллик билан ўтказилмоқда. Тадбир доирасида, хусусан, ишчи-хизматчилар ўртасида ёнғин хавфсизлигини таъминловчи омиллар ҳақида тушунтириш-тарғибот ишлари, амалий-кўргазмали тадбирлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари қатнашган тадбирда мутахассислар уларни ёнғин ўчириш автомобиллари, анжомлари, дастаклар, нарвон, ёнғин пайтида тутундан ҳимоя воситаларининг ишлаш тартиби ва қулайликлари билан таништирмоқдалар.

**Руслан ЭШМИРЗАЕВ,**  
**Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси ЁН ва ПБ инспектори, катта сержант**

## КОРХОНА ХАВФСИЗЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

“ Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси Республикамизда энг нуфузли корхоналардан бири ҳисобланади. Ушбу корхонани ёнғиндан муҳофаза қилишда ЁН ва ПБ инспекторлари зиммасига катта масъулият юкланган бўлиб, улар корхона раҳбарияти, муҳандис-техник ходимлар ва ишчи-хизматчилар билан ҳамкорликда ёнғинларни олдини олишда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишмоқда.

Масканларда ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳамда қисм шахсий таркиби томонидан ҳудудлар қатъий назоратга олингани боис, олов билан битадиган ишлар хавфсиз ўтиши таъминланмоқда.

**Сирожиддин ИТОЛМАСОВ,**  
**Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси ЁН ва ПБ инспектори, катта сержант**

## КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Дунёда ривожланиш ва тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлат энг аввало коррупция, таъмагирилик, порахўрлик каби салбий иллатларга қарши мурасасиз кураш олиб боради. Акс ҳолда, бундай жирканч иллатларнинг томир отишига йўл берилса, ўша жойда тараққиёт ва ривожланиш бой берилади.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад халқимизни ҳаётдан рози қилиш ва энг муҳими, давлат идоралари бевосита халқ ичига кириб бориб, муаммолар билан танишгаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Албатта бу жараёнда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш ва ўзига билдирилаётган ишончни оқлаш ҳамда таъмагириликка йўл қўймаслик борасида кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинди. Биргина вилоятимизда ҳам бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишларга қарамасдан минг афсус-

ки, айрим раҳбарлар орасида коррупцияга берилиш, таъмагирилик ҳолатлари учраб тургани кишини тааъжубга солади.

Қонунларни билмаслик бирор кишини ҳазодан қутилишига баҳона бўлолмайди. Кимдир билиб, кимдир билмасдан деганларидек бундай салбий иллатларнинг кўчасига кириб қолганликларини сезмай қоладилар. Ачинарли томони шундаки, айрим нуфузли мансаб курсисида ўтирганлар била-туриб коррупцияга, порахўрликка, таниш-билишчиликка берилиб кетаётгани ижтимоий ҳаётимизга жиддий хавф солмоқда.

**Б.МАМАТКУЛОВ,**  
**вилоят ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими инспектори, майор.**  
**Ҳ.РАҲМАТОВ,**

**Муборакнефтьгаз қазиб чиқариш бошқармаси ОБЕХТТЭБ КТМИБ ўринбосари, подполковник**

## ИС ГАЗИДАН ЗАХАРЛАНИШ МУМКИНЛИГИ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Об-ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши натижасида газ ва бошқа турдаги муқобил ёқилғи иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ортиб боради. Бундай пайтларда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши ҳамда инсонлар ис газидан захарланиши мумкин. Бу ҳақда Шаҳрисабз туман ФВБ инспекторлари тумандаги таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, ҳўжаликларда профилактик тадбир ўтказиб, жойлардаги учрашувларда тушунчалар беришмоқда.

Мутахассислар ис газни сезиб чиққан ҳолда ҳаракатланиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, зарур чораларни қўллаш, юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни олдини ҳақида маълумот беришиб, вазирлик томонидан тайёрланган видеолавларни намойиш этиб, тумanning Чоршанбе кўргони Қутчи қишлоғида юз берган бахтсиз ҳодиса тафсилотларини таҳлил этдилар.

**Нажмиддин БЕКБУТАЕВ,**  
**Шаҳрисабз туман ФВБ бошлиғи ўринбосари, майор**

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ - ДАВР ТАЛАБИ

Рақамли иқтисодиёт - бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Юртбошимиз айтганидек, “Дунёнинг ривожланган давлатларида аллақачон рақамли иқтисодиётга ўтилган. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ барча масалалар рақамли ҳисобот орқали амалга оширилади, таҳлил қилинади ва ўрганилади”. Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йилликдаги энг устувор вазифаларидан бири бўлиши кераклиги ҳам айтиб ўтилди.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби Статистика органлари ҳам замонавий ахборот -коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, улар босқичма-босқич янгиланиб боришмоқда.

**Ориф ТЎХТАЕВ,**  
**Қамаши туман Статистика бўлими етакчи мутахассиси**

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги икки-уч йилда Президентнинг эллиқдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, тadbirkorlik фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида тadbirkorlik субъектларида ўтказиладиган режалар, режадан ташқари, муқобил, назорат тартибидаги текширишлар турлари бекор қилинди, тadbirkorlik фаолияти билан шуг'улланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ жиноий жазо чорасини қўллаш тақикланди, уларнинг жавобгарлик масаласи либераллаштирилди ва уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларга чек қўйилди.

**Илҳом ҲАСАНОВ,**  
**Қамаши туман Статистика бўлими етакчи мутахассиси**

## ПРОФИЛАКТИКА ЁНҒИНЛАРНИ КАМАЙТИРАДИ

Ҳар ҳафтанинг чоршанба кунини ўтказиладиган профилактик тадбирлар давомида туманда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар, уларнинг оқибатлари, ёнғинларда инсонларнинг қуйиш тан жароҳати олиши, ҳалок бўлиши ҳолатлари, ис газидан захарланишдан кўплаб инсонлар азият чекишгаётганликлари юзасидан мисоллар келтирилиб, ёнғинларни олдини олиш бўйича кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тадбирлар давомида ходимларимиз томонидан тумандаги муассаса, корхона ва ташкилот, аҳоли хонадонларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликлар жойида муҳокама этилиб, бартараф этилишига эришилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қоида бузилишига йўл қўйган ёки ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармаётган ишчи-хизматчилар ва жавобгар шахсларга тегишли тартибда чоралар кўрилмоқда.

**Ахрор ҚОДИРОВ,**  
**Миришкор туман ФВБ етакчи инспектори**

|                                          |                                                                                                                                              |                                                                                                                                                      |                                                                                    |                                                                                   |                                                                  |
|------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------|
| <p>ВЕСТИ<br/>плюс</p> <p>ВОҚИФ</p>       | <p>ЖАМОАТЧИЛИК<br/>КЕНГАШИ:</p> <p>Ориф МАХМУДОВ,<br/>Султон ТОШҚУЛОВ,<br/>Ҳикматой ШАРИПОВА,<br/>Мавжуда РАДЖАБОВА,<br/>Гулнора УЗОҚОВА</p> | <p>Газета Қашқадарё<br/>вилоят Матбуот ва<br/>ахборот бошқармаси<br/>томонидан 2018 йил 13<br/>мартда 14-107 рақам би-<br/>лан рўйхатга олинган.</p> | <p>Муаллиф фикри тахририят<br/>нуқтаи назаридан фарқ<br/>қилиши мумкин.</p>        | <p>Газета «Photo Express»<br/>ISЧКда офсет усулида<br/>чоп этилди.</p>            | <p>Нашр индекси 4076</p>                                         |
| <p>МУАССИС:<br/>“VOQIF GAZETASI” МЧЖ</p> |                                                                                                                                              |                                                                                                                                                      | <p>“Voqif gazetasi” МЧЖнинг<br/>компьютер бўлимида<br/>терилди ва саҳифаланди.</p> | <p>Босмаҳона манзили:<br/>Қарши шаҳри,<br/>Мустақиллик шоҳ кўчаси,<br/>22-уй.</p> | <p>Газета 2018 йил<br/>31 мартдан<br/>чиқа бошлаган</p>          |
| <p>Директор: Афтондил<br/>ИСМОЙЛОВ</p>   |                                                                                                                                              |                                                                                                                                                      |                                                                                    | <p>Бичими А 3.<br/>Адади - 200</p>                                                |                                                                  |
| <p>Бош муҳаррир:<br/>Элбой ҚУЛМОНОВ</p>  | <p>Саҳифаловчи:<br/>Зулайхо АСТАНОВА</p>                                                                                                     | <p>Нашр учун масъул:<br/>Зулхумор МУҚИМОВА</p>                                                                                                       | <p>Тахририятга юборилган<br/>қўлёзмалар қайтарилмайди.</p>                         | <p>Газетада Интернет<br/>материалларидан<br/>фойдаланилди.</p>                    | <p>Босишга топшириш<br/>вақти 17.45.<br/>Топширилди - 16.05.</p> |
|                                          |                                                                                                                                              |                                                                                                                                                      | <p>Телефонлар: (75) 221-86-99,<br/>(75) 506-82-54, (93) 931-08-99</p>              | <p>Сотувда эркин нархда</p>                                                       | <p>Буюртма №</p>                                                 |

## БАҲОР КУЙЧИСИ ХОТИРЛАНДИ...

Атоқли ўзбек шоираси ва мохир таржимон Зулфия Исроилова бой адабий мероси, вафо ва садоқати билан ўзбек аёлларининг сабру-қаноат, меҳр-муҳаббат каби нафис фазилатларини дунёга кенг тараннум этди. Латиф ижоди билан сайёрамиз аёлларига эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берди. Пушкин, Қайсин Қулиев, Украинка, Габриэла Мистрал каби машҳур чет эл шоирлари шеърятининг нодир намуналарини ўзбек тилига ўгириб, адабиётимиз хазинасини янги асарлар билан бойитди. Бундай эзгу амаллари билан шоира нафақат, ўзбек адабиётига балки, ўзбек халқининг турли миллатлар ўртасидаги халқаро дўстлик ришталари ва адабий алоқаларининг мустақамланишига муносиб ҳисса қўшди.

Зулфияхоним таваллудининг 107 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳридаги 18-сонли мактабда "Баҳор келди сени сўроқлаб!" деб номланган адабий-

бадий кеча бўлиб ўтди.

Адабий-бадий кечада Зулфия Исроилованинг ана шундай сермахсул ижоди ва ибратли ҳаёти ҳақида атрофлича фикр юритилди. Мактаб ўқувчилари Зулфия Исроилованинг шеърлари, ҳаёти ва ижоди акс этган сахна кўринишларини намоиш этди. Шоира шеърлари асосида яратилган куй-қўшиқлар янгради.



- Баҳор, садоқат ва муҳаббат куйчиси бўлган Зулфияхоним билан биз, педагог ўқитувчилар ҳар қанча фахрлансак арзийди, - дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчеҳра Арзиева. - Истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилган. Ўқувчи қизларга Зулфия ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилсак, ўзимизни жуда

бахтиёр ҳисоблаймиз. Мактабимизнинг фаол ўқувчиларидан Ибодуллаев Азиз, Нарзуллаева Фаёза, Рустамова Шаҳзода, Омонова Севинч, Саиджонов Махлиё, Номозов Бунёд, Маҳмадқулова Ҳилола ва бошқалар ибрат намунасини кўрсатишди. Улавр севимли шоира Зулфияхонимнинг ижод намуналаридан, асарларидан сахна кўринишлари лавҳалар кўрсатишди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
журналист  
**Дилноз АЗИЗОВА,**  
педагог

## OFTOB

Oftob nurin sochadi,  
Har tamonga boqadi.  
Isitadi yerlarni,  
O'stiradi gullarni.

Kungaboqar bolasi,  
Tabiatning onasi.  
U chiqqanda dala-qir,  
Kuladi qiqir-qiqir.



## MEVALAR SALTANATI

Mevalarning podshohi,  
Anor mevalar zo'ri.  
Olma uning vaziri,  
Gilos uning o'ng qo'li.

Nok uning yaqin do'sti,  
Ham hamrohi og'ayni.  
Mehmon kelgnda shu on,  
Olma chetga tura qol.

**Sevinchbonu RASULOVA,**  
**Shahrisabz shahridagi 18-maktabning**  
**6-sinf o'quvchisi**

**Mehribon BOBOQULOVA,**  
**Shahrisabz shahridagi**  
**18-maktabning**  
**6-sinf o'quvchisi**



## KAPALAK

Kapalagim uchib keldi,  
Osmonimga, makonimga.  
Qanotlarin yozib keldi,  
Quchog'imga, bog'imga.

Keyin bilsam har kuni,  
Kelar ekan bog'imga.

Gullarimga qo'narkan,  
Shaydo bo'lib, mahliyo.

Kapalagim, kapalak,  
Ho'sh kelding makonimga.  
Qanotlaring qaqaver,  
Qo'shiq aytib bog'imda.

## ЭХТИРОМ

Меҳрибон, муштипар, фидойи жонлар,  
Кўнгли сендалардан кўнгил олдингми?  
Бахтинг деб, умрини қилган қурбонлар,  
Сен бугун онангга бир гул олдингми?

Кўзлари йўлингда доим нигорон,  
Муштоқ бир кўнгилга назар солдингми?  
Тўқис бахтингни деб тикилган бир жон,  
Сен бугун ёрингга бир гул олдингми?

Синглингни соғиниб ўйга толдингми?  
Қизингни қалбига қулоқ солдингми?  
Байрамда ўзбекча табассум билан,  
Ўзбек аёлига бир гул олдингми?  
**Бутун ЎТАГАНОВ,**  
**Чироқчи туманидаги 92-мактабнинг**  
**она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

## ОТАМ

Кимдандир ортиқ эдимда, кимдандир кам,  
Бошимга келган чоғларида оғир ғам.  
Юрагим азобдан чекканда ситам,  
Ҳали яхши бўлади дер эди отам.

Қувонч-у қайғуга аралаш умрим,  
Ечим топилмай бедор ўтганда туним.  
Чироқ ҳам ёритолмай қолганда кўнглим,  
Ҳали яхши бўлади дер эди отам.

Оғир хаёлларга толиққан чоғим,  
Мадорсиз чўзилар бўлса оёғим.  
Шу сўзни бот-бот эшитарди қулоғим,

Ҳали яхши бўлади дер эди отам.

Синовга етмаганда сабру, қаноатим,  
Изидан чиқай деганда ҳаётим.  
Ҳавога учганда бору, бисотим,  
Ҳали яхши бўлади дер эди отам.

Тутдек, тўкилганда йигитлик қадрим,  
Ноҳақлик қўлида эзилди бағрим.  
Дунёларга сиғмай кетганда қадрим,  
Ҳали яхши бўлади дер эди отам.  
**Мадамин МУРОДОВ,**  
**Косон туманидаги 35-умумтаълим**  
**мактабининг Ижодий-маданий маса-**  
**лалар бўйича тарғиботчиси**

**Oydin HAZRATQULOVA,**  
**Shahrisabz tumanidagi 54-**  
**maktabning 9-**  
**sinf o'quvchisi,**  
**maktab qoshidagi "Yosh**  
**ijodkorlar" to'garagi a'zosi**



## O'ZBEKMAN

Sog'inch azoblari  
qiynaydi meni  
Bo'g'zimga sanchilar tikan har kuni  
Noming jaranglaydi har bir davlatda  
Men o'zbekman, o'zbekman,  
o'zimga bekman.

Qay bir sabab bilan ketdim yurtimdan,  
Shu yurtda, shu elda to'kilgan qonim.  
She'rlar yozib seni yodga olaman  
Men o'zbekman, o'zbekman,  
o'zimga bekman

Tentirab yuraman o'zga yurtlarda  
Ketolmayman tug'ilgan ona vatanga  
Qadrim bilan dardim teng bo'lib qoldi,  
Sog'indim vatanni, ona tuproqni  
Onamday azizim ona vatanim,  
Men o'zbekman, o'zbekman,  
o'zimga bekman.

## TANDIRIM

Olovlar qaddingni egolmas seni,  
Olamni lol qilgan sensan qodirim  
Issiq noning bilan siylaysan meni  
Mening boyligimсан, mening tandirim.

Onamdeksan bag'ring, qaynoqdir mehning.  
Men uchun azizsan, mening nodirim  
Bunchalar ajoyib go'zaldir sehring,  
Yuzimga kulgusan ensan tandirim.

Alishmayman seni hatto oltinga  
Mening onamdeksan mening chodirim,  
Oltindan ortiqroq boylikсан menга  
Men uchun ulug'san, mening tandirim.

Noning isi yoqar har bir odamga,  
Seni qurgan bobom mening, botirim.  
Nondek azizdursan har bir olamga  
Sen borsan nonga yoz'q hech xavotirim.

## ЭЙ ГЎЗАЛ БАҲОР!

Тоғлардан муралаб елиб келган баҳор,  
Наврўзойни пастга етаклаб секин келди.  
Одамларга олам-олам қувонч билан,  
Заминга, боғларга ўз либосин кийдирди.  
Қизалоқ бойчечак Наврўзойни етаклаб олган,  
Ғунча лабларига гўзаллик жило берган.  
Баҳор ҳавосида юзланиб таъзим солган,  
Бу гўзалликни кўриб бўбуллар сайраган.  
Чор атрофга баҳорнинг муаттар ҳиди тарқалган,  
Боғларда чамандек турли ғунчалар очилган.  
Асаларилар ғунчалар лабидан бўсалар олган,  
Рашқ қилиб булбуллар ариларни қувлаган.  
Тоғларда, қирларда буй чузган гўзал лолалар,  
Ийманиб, нозланиб секин-секин юзин очади.  
Нозик қулоқларига ғунчадан сирғалар тақиб,  
Она заминга барчаси йиғилиб сайқал беради.  
Баҳорнинг ёқимли хур-хур шамоли эсиб,  
Ипдек тизилган ғунчаларни ҳумор кўзларин очар.  
Осмондаги булутдан тушган марварид томчилар,  
Заминга, барча кўкатларга яшил либос кийдирар.  
Эй, Наврўзи олам ўлкамизга хуш келибсан,  
Келган йўлларингга соламиз гўзал поёндоз.  
Фақат тез учиб кетмагин, секин қил парвоз,  
Сенинг жамолингни кўриб хурсанд бўламиз.

## ГУДАКЛАР ТАБАССУМИ

Эй инсонлар диққат қилганмисиз ҳеч,  
Ёш гудакларнинг нозик табассумига.  
Яхшилаб қаранг, қолманг кеч,  
Жондан ширин фарзандлар қарашига.  
Дунёда йўқ бундай гўзал табассум,  
Бир қарашда махлиё этади сизни.  
Қараб-қараб тўймайди кўзлар,  
Бундай табассумдан узмасин бизни.  
Гудаклар ўсиб-ўлғайиб борган сари,  
Уларнинг шўх табассуми ўзгариб борар.  
Кундан-кунга турли қилиқлар қилиб,  
Сизни кўрганда эркалаб мафтун этар.

Ишдан чарсаб-хориб келанингизда,  
Гудакларни қўлингизга олиб ўйнатинг.  
Икки қўлидан ушлаб, кенг елкангизда,  
Шўх-шўх табассумини қайта кузатинг.  
Ҳар ўзбекнинг тинч хонадониди,  
Гудакларни шўх қулгуси бўлсин.  
Уларни кўриб барчанинг уйида,  
Кўзларимиз доим қувончга тўлсин.

## ТАБРИК ҲАЗАЛИ

(Шаҳрисабзлик мохир шахматчи Нодирбек Абдусатторовга)  
Шахмат тахтаси устида қилиб жанг,  
Рақибинг аҳволини қилиб қўйдинг танг.  
Бу жангда буюк ғалабани қўлга киритдинг,  
Ўзбек деган номини сен кўкларга кўтардинг!


Ақл гимнастикасида сен бўлдинг ғолиб,  
Бу қилган ғалабанг таҳсинга муносиб.  
Шахмат жангида кўрсатдинг ҳиммат,  
Баракалла Нодирбек сенга катта раҳмат.

Тарих саҳифаларида номинг қолгай,  
Заминнинг барча нуқталарига етиб боргай.  
Авлодлар ўқиб кўриб хурсанд бўлгай,  
Зарҳал ҳарфлар билан тарихга қолгай.


Эй, Нодирбек энди белни маҳкам боғла,  
Асло бушатма, яхшилаб сақла.  
Номардларни ёнинга ҳеч вақт йўлатма,  
Бу сўзларни маъносини яхшилаб англа.

Эй, Нодирбек умринг сени узоқ бўлсин,  
Шарқдан кўтарилган ёрқин қуёшдек порлоқ.  
Жаҳон кезиб юргин, доим бўл омон,  
Шеърни ёзди ҳожи бобо Қаҳрамон.


**Қаҳрамон АМИНЖОНОВ,**  
**Шаҳрисабз шаҳри, Янги ҳаёт маҳалласи меҳнат**  
**фахрийси, фахрий педагог**



Косон тумани 35-мактаб ўқувчиси Сабрина Дилмуродованингни ўлкамизда баҳор мавзусида чизган сурати



Косон тумани 35-мактаб ўқувчиси О.Ҳақнаевнинг қўчат экиб боғ ярат мавзусида чизган сурати



Косон тумани 35-мактаб ўқувчиси Ваҳобиддин Шоназарованингни ҳарбий техника мавзусида чизган сурати